

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЗИКА КАФЕДРАСИ**

**Аллаева Фариданинг 5140200-“Физика” таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
“Олам тузилишининг геоцентрик ва гелиоцентрик системаси**

Гелиоцентрик таълимот учун кураш”

мавзусидаги битирув малакавий иши

**Илмий раҳбар:
Мамадазимов М.**

“Физика”

кафедрасининг _____

йифилиши қарори билан

ҳимояга тавсия этилади

КАФЕДРА МУДИРИ: **Ш.К.НИЁЗОВ**

ГУЛИСТОН – 2016й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. ОЛАМ ТУЗИЛИШИННИГ ГЕОЦЕНТРИК НАЗАРИЯСИ.....	6
 1.1 Қадим юонон олимлари олам тузилиши ҳақида фикрлари.....	7
 1.2 Шарқ олимларининг олам тузилиши тўғрисидаги қарашлари.....	12
2-БОБ. ОЛАМ ТУЗИЛИШИННИГ ГЕЛИОЦЕНТРИК ТАЪЛИМОТНИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ УЧУН КУРАШ.....	20
 2.1 Коперник олам тузилишининг гелиоцентрик таълимотларини асосчиси.....	20
 2.2 Галилей олам тузилишининг гелиоцентрик системасига муносабати.....	34
 2.3 Кеплер олам тузилиши ҳақидаги қарашлари гелиоцентрик тизимнинг қарор топиши.....	37
3 БОБ ОЛАМНИНГ ГЕЛИОЦЕНТРИК СИСТЕМАСИНИ АЛ ВА КХК ЛАРДА ЎРГАНИШ ВА У ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.....	45
 3.1 Осмон механикаси элементлари бўйича компьютер асосида ўтказиладиган амалий машғулотлар.....	47
 Хулоса.....	58
 Фойдаланилган адабиётлар.....	59

КИРИШ

Тадқиқот ишининг таснифи.

Мавзунинг долзаблиги.

Оlam тузилиши унда биз яшаётган ернинг урнини аниқлаш масаласи эрамиздан бир чена минг йил олдин хам барчани қизиқтирган. Дастреб эрамиздан олдин IV асрда таниқли файласуф олим Аристотель олам тузилишининг структурасини, хусусан оламда ер марказий жисмлиги туғрисидаги геометрик таълимотни ўртага ташлади. Гап шундаки кшилар осмонда минглаб юлдизлар шарқдан кўтарилиб, ғарбга ботишлари, улар ернинг атрофида шундай айланади деган фикрнинг туғилишига асос бўлиб унга кўникишганда, осмонда ўз харакатлари билан кишиларни хайратга солган бешта “бешта адашган юлдуз”нинг (шу ном туфайли уларга планеталар – яъни “адашганлар” деган ном берилган) ғарбдан шарқга томон харакатланадиган бу "юлдузлар" хар замонда тўхтаб қисман ортга яъни шарқдан ғарбга томон харакатланишлари кишилар учун жуда ғалати бўлиб уни тушунтиришни иложи бўлмасди. Эрамиздан олдин II асрда Юнон асри номи Гиппарх бу ходисани тушунтириш учун планеталарнинг иккита эпицикл ва деферент дейилувчи айланалар бўйлаб бир вақтнинг ўзида харакатланадилар, оқибатда бу харакат юлдузлар фонида проэкцияланиб сиртмоқ кўринишини “топди”. Бироқ бундай назария асосида осмонда планеталар харакатлари Гиппарх асос солган назариядан келиб чиқмаслиги аниқ бўлганда, эрамизнинг II асрида бошқа бир Юнонистнлик астроном Клавдий Птоломей планеталар харакатини тушунтириш учун Гиппарх назариясини ривожлантириб бошқачароқ такомиллаштирилган геосентрик назарияни ўртага ташлади. Бироқ бундай назария хам планеталанинг юлдузлар фонидаги сиртмоқсимон харакатни тушунтиришга ожизлик қилди.

Шундан сўнг, салкам 1400 йил ўтгач, XV асрда машхур полъшалик астроном Николай Коперник ўз кузатишлари асосида бутунлай бошқача гелиоцентрик таълимотни олға сурди. Бу назарияга кўра, оламнинг марказида ер эмас қуёш

туриши, ер эса бошқа барча планеталар каби қуёшнинг атрофида айланишини эътироф этарди. Дарвоқе, қуёш атрофида айланадиган ердан қараганда, планеталарнинг юлдузлар фонидаги сиртмоқсимон харакатини тушунтириш жуда осон кечди. Коперник назарияси яъни олам тузилишининг таълимоти деган ном олди. Коперник бу назарияни ўзининг “осмон сфераларининг айланиши” деган асарида тўла-тўкис баён этган эди.

Планетамиз ернинг қуёш системаси жисмлари ичида тутган ўрнининг бу хилда аниқланиши кишилар онгидан бу масалада хақиқий илмий дунёқарашларининг шакилланишида мухим ахамият касб этишини вақт кўрсатди. Олам тузилишининг қуёш системасидан ташки қисмларида структура билан қўшиб ўрганлиши, бугун оламнинг замонавий физик манзарасини бериб, кишиларда шаклантирилиш (биринчи навбатда талаба ёшларда), мухим фалсафий, материалистик қарашнинг асосини ташкил этиши билан долзарб саналади.

Чексиз коинотда қуёш системасининг ўрнини, унда манзилимиз саналган ернинг жойини ва харакатини аниқлаш, бизга осмон механикасини талай қонунларини очища, уларнинг универсаллигинни белгилайди. Космосни ўрганишда космонавтика фанининг вужудга келишида, инсон тақдиридининг ернинг мухим харакатига юлдузимиз қуёшнинг фаолиятига боғликлигини аниқлашимизда характерлардан саналиши билан энг долзарб масалалардан саналади.

Тадқиқотнинг обьекти. Осмон тузилиши ва унинг ривожланишини ўрганувчи космология фанини ўрганиш.

Тадқиқот предмети. Олам тузилишининг гелиоцентрик таълимотининг вужудга келиши, очилиш босқичлари ва гелиоцентрик таълимот учун кураш масалалари.

Ишнинг мақсади. Олам тузилишини ўрганишда гелиоцентрик таълимотнинг вужудга келиш тарихи, караш-илмий дунёқарашининг асоси эканлигини аниқлаш.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Олам тузилиши туғрисида эрамиздан олдинги карашлар(Аристотель, Гиппарх, Птоломей ва башкалар);

- Геоцентрик таълимотининг планеталарнинг харакатларини тушунтиришдаги ожизлиги;
- Оламнинг гелиоцентрик таълимоти юзасидан дастлабки карашлар;
- Коперникнинг олам тузилишининг гелиоцентрик назариясини яратиш тарихи;
- Гелиоцентрик таълимотни кўллаш, Ж.Бруно, Г.Галилей ва Коперник фаолияти билан танишиш;

Тақдимот ишининг назарий ва амалий ахамияти.

Олам тузилиши хақидаги астрономик маълумот ва тасаввурлар, оламнинг физик манзарасини ўқувчиларда шакллантиришда мухим рўл ўйнайди. Олам тузилишининг гелиоцентрик манзара орқали талабалар ерпланетасида кечадиган йил фасллари, куёш ва ой тутилишлари, ернинг мавжуд харакат тезлигидан (30 км/с) фойдаланиб куёш системаси объектларига космик аппаратларни учирish унинг жисмларини планеталарро космик стациялар (ПКС) ёрдамида ўрганиш каби масалалар тўғрисида илмий қарашларнинг шаклланишида мухим ахамият касб этади.

Тадқиқотниинг янгилиги ва химояга олиб чиқилган холатлар. Мазкур тадқиқот иши олам тузилиши хақидаги дунё карашни ўқувчиларда шакллантиришда алоҳида ахамият касб этишда восита –олам тузилиши хақидаги маълумотларни системалаштирилган оъзор характерда ва мантикий кетма-кетликда умумлаштирилган кўриниши.

1-БОБ ОЛАМНИНГ ТУЗИЛИШИННИНГ ГЕЛИОЦЕНТРИК НАЗАРИЯСИ

Бизга етиб келган майлумотларга кўра ,Оlamning тузилиши хақидаги биринчи илмий тушунчалар икки ярим уч минг йил илгари –эрамиздан олдин 11 асрда қадимги грек ва Миср Вавилон ,Хитой хамда Яқин Шарқ мамлакатларнинг йирик олимлари томонидан берилди. Кўп асрлик астрономик қузатишларга қарамай эрамиздан олдин 13-11 асрларда ,Миср ва Вавилионда Ер ва осмон хақидаги илмий тушунчаларнинг келиб чиқмаслиги бу даврдагигеологик қарашлар таъсирида у инквизициянинг тазики билан тушунтирилади.11 асрда эра.авв.Грецияда Анаксимандр сферик, осмонни оламнинг чегараси деган ғояни Пифагор эса Ернинг сферик формадаги ғояларини илгари сурдилар.Гиппарх эса, биринчилардан Ернинг ўлчами ва массаси Қуёшникидан бер неча баробар кичкиналигини исботлади. Гиппархнинг издоши Птолемей ўзининг “Магале синтаксис “(Буюк тузилиши)асарида оламнинг гелиоцентрик системасини баён қилди.11асрларда Араб халифасини пойтахти Бағдод астрономик обсерваторияси курилиб ишга тушди.араб астрономлари осмон жисмларнинг харакатини қузатишлари бошланди.Обсерваторияда машхур Жамшид Коши ,Али Кушчи,Румий ва бошқалар .

1.1 Аристотель, Галилей ва Птолемейнинг олам тузилишининг гелиоцентрик системасига муносабати.

Аристотел Евдокс каби оламнинг маркази Ерdir ва у шарсимон шакилга эга деб ўрганган.Аристотел Ернинг шарсимон шаклга эга эканлигини Ойнинг тутилиши орқали исботлаган,унинг фикрига кўра Ердан Ойга ташланган соя овалсимон шаклга эга бўлиб ва ,бу ҳодиса орқа у Ернинг шар шаклига эга бўлишини айтиб ўтган.Аристотел Ернинг узунлигини антик математикларнинг бир қатор бирламчиман манбаларига таянган ҳолда Ернинг 400минг сатий эканлигини тасдиқлади.Ундан ташқари у биринчилардан Ойнинг фазаларини ўрганиш орқали уни шарсимон шаклга эга эканлигини исботлаган.Унинг “Метрология “асари илк физиковий география асари ҳисобланади Аристотелнинг гелиоцентрик касмологияси Коперникга қадар сақланган.Аристотел Евдокснинг планеталар теормасига амал қилган ,аммо симон планеталарнинг физиковий табиатини аниқ қилиб ёзган.Коинот бир қанча концентрик сфералардан ташкил топган бўлиб,улар турли хил тезликларда харакат қилиб,энг чекка харакатланмайётган юлдузларни харакатга келтиради.

Аристотелнинг идеалистик қарашлари ва олам тўғрисидаги тасаввурлари шундай ҳulosса олиб келади:

Ой орбитаси ва Ернинг маркази орасида басофа мавжуд бўлиб , ундаги барча харакатлар тартибсиздир,борлиқ тўрт унсурдан ташкил топган:Ер,ҳаво,сув ва аловдан иборат.Ер оғир элементлардан ташкил топганлиги учун у оламнинг марказида жойлашган.Унинг орқасидан эса кетма-кет сув,олов ва ҳаво қобиқлари жойлашгандир.


“Ой остидаги ҳаёт” сферанинг энг чекка нуқтасида жойлашган юлдузлар ва Ой орбитаси орасида мумтазам ўзгармас харакатлар мавжуд бўлиб, юлдузларнинг ўзи бешинчи унсур яний эфирдан ташкил топгандир.

Эфир бешинчи элемен ҳисобланиб у осон ва юлдизлар сирасига киради

Грекларда илм-фаннынг ривожланишига Гиппарх(125 э.авв вафот этган) ва Клавдий Птоломейларнинг(168 э.авв вафот) ҳиссаси бекиёсdir.Ҳаётининг қўпгина қисмини Гиппарх Родосда ўтказган.Ўша даврларда (тахминан 150й. э.)Александрия каби Родос ҳам совдо-сотиқ ва маданият ривожланган шахарлардан бири бўлган.Гиппарх александрияликларнинг илм-фандаги ютуқларидан жуда яхши баҳобар эди.У Эротосфеннинг “География “асаридаги баъзи камчиликлар хақида танқидий мулоҳазалар қилган.Гиппарх жуда қадимги Вавилон астрономларнинг кузатмаларини фойдаланиб, ўзи кузатган табиат ҳодисаларин таққослаб аниқ бир хуносаларга келган.

Гиппарх Эвдокснинг ,Оlamнинг маркази- Ер ва унинг атрофида осмон жисмларни харакатланади деган фикри унинг осмон жисмларининг ҳаракати устидан олиб борган кузатишларига умуман тўғри келмаслигини айтиб ўтган.Эвдокиснинг гелиоцентрик сферасининг ўрнига Гиппарх тахминига кўра Р планета ўзгармас тезликда К планетанинг атрофида айланада ,ўз навботида К планета хам ўзгармас тезликда харакат қилиб оламнинг марказидаги Ернинг атрофида айланишини айтиб ,у орқали Гиппарх қўпгина планеталарнинг ҳаракатини аниқ асослаб берган.Гиппархнинг планеталарни ҳаракат схемаси орқали бизга замонавий астрономиядаги Ойнинг Ер атрофида айланиши ва шу билан бирга онда ернинг Қуёш атрофида ҳаракатланишини эслатади.(1-расм)

Рис. 20




Эрамиздан аввлги Пасрларда грецияда касмологиянинг янги ютуқлари Клавдий Птолемей кашф қила бошлади .Клавдий Птолемей Нил дарёсининг атрофида туғилган.Клавдий Птолемейнинг ҳаёти, ижоди, хақида ,барча грек файласуфлар ҳаёти ваижоди каби аниқ далиллар йўқ.Бизга унинг фақатгина 78 йил яшаганлиги тўғрисидаги маълумот етиб келган.Ўз даврида Птолемей нафақат астроном балки таниқли географ бўлган.Унинг асарларига оптика ва астрономия киради.Унингмашхур олим бўлишига “ Matematike Syntaxis” ёки”Математика ташкил топган” Араб тилидаги таржимаси “Аль-магест” (буюк);шундан сўнг бу асар “Альмагест” деб ноланди.Гиппархнинг ишлари “Альмагест” асарида айтиб ўтилган.

Птоломей Аристрахнинг гелиосентрик назариясини биларди,аммо унинг тан олгиси келмасди.Унинг фикрича хар қандай харакатланувчи жисмнинг тезлиги унинг массасига боғлиқ бўлади.Шундай қилиб,агар Ер харакат қилганда,унда у ўзидан енгил жисмлардан анча орқада қолган бўларди ,мисол учун одамлар ва хайвонлар.Птоломейнинг астрономияси осмонни сфера шаклида эканлигини тасдиқларди.Птолемей шу орқали қадимги космологияни шубҳасиз тўғри эканлигини асослади

“Альмагест”китобининг 3 томида Гиппарх томонидан Қуёшнинг траекторияси аниқлаб топилганлиги ёзилган.Унга кўра Қуёш қандайдир бир марказда айланади, аммо у Ер атрофида айланмайди.Ойнинг харакатини аниқлашда ,Птолемей Гиппархнинг модели мос келиши,унга кўра Ойнинг тўлиши ва янги ой чиқишини аниқ ҳисобланганлигини айтган.Птоломейнинг модели Ойнинг узоқ туришини ўта аниқликда аниқлаган.

Ердан Ойгача бўлган масофани Птолемей 29.5 Ернинг радиусига тенглик билан аниқлаганУ Аристахнинг далиллари асосида Қуёшдан Ергача бўлган масофани аниқлашга харакат қилиб,жудда катта хатога йўл қўйиб ,ҳақиқий олинган натижадан ўн баравар Аристархнидан икки баравар катта натижа олди.



2- rasm. Ptolemeyning geosentrik sistemasi

18-19 асрларда планеталар Қуёш ва Ой харакатларини катта аниқлик билан ўрганишлар ва тузилган жадвалларни Птолемей системаси асосида тузилган жадваллар билан солиштириш ,геоцентрик системасида йирик хатоликлар ,ноаниқликлар ва қарама-қаршиликлар борлигини маълум қилди.Бу хол оламнинг тузилиши тўғрисидаги Птолемей системасини фақат революцион йўл билан хал қилиш зарур эканлигини, айни замон астрономия фаннинг асосий муаммоси сифатида майдонга ташлади.Тарих бундай масълиятли вазифани 19 асрнинг буюк мутаффакир олими поляк халқининг ўғли Николай Коперник зиммасига юклади .Унинг машхур “Осмон сфераларсининг айланиши” асарининг яратилиши билан ҳисобланди.

1.2 Шарқ олимларининг олам тузилиши тўғрисидаги қарашлари.

11 асрга келиб фанига нисбатан кўрсатилган кучли таъкиб остида олам тузилиши хақидаги таълимоти ривожланиш ўрнига орқага кетди. 641 йилда араблар томонидан Александрия араб томонидан ишғол қилингач, араб қўшинлари томонидан Умар томонидан Александрия кутубхонаси батамом ёндирилиб кул қилинди .9-10асрларга келиб Ўрта Осиё ,Яқин шарқ ва Арабистон буюк муттаффакир олимлар етишиб чиқиши олам тузилиши хақидаги фан траққиётига катта хисса қўшди.9- асрда Араб халифалигининг пойтахти Боғдод астрономик обсерватория курилиб ишга туширилди.Араб астрономларнинг системали кузатишлари бошланди.бу кузатишлар асосида.9-10 асрнинг буюк астрономи Ал- Баттоний олам экваторига эклептикнинг оғмалиги Птолемейга нисбатан катта аниқлик билан ўлчанади.Шунингдек у Куёш ва Ой харакатларига тегишли жадвалларни ҳам биринчи марта аниқлик билан тузиб чиқди Ал-Баттон Ернинг Куёш орбитаси ичидағи экцентрик ҳолати Птоломей қайд қилган ҳолатга мос келмаслигини қайд қиласди.Араб астрономлари Ибн Юнус 10 аср ва Арзахел 11-12 аср тузган Ха кимат ва Толед жадвали номлари билан яратган машхур астрономик жадваллари бир неча асрлар давомида амалий астрономияда кенг кулланади.

10 асрда Ўрта Осиёда олам тузилиши фанида ўзининг илгор холатлари билан Мухаммад Хоразмйнинг ўрни ўзгачадир.Унинг Боғдоддаги расатхонада олиб борган кузатишларига асосан ва хинд астрономлари томонидан тузатилган жадвалларни таҳлил қилиб ,ўзининг “Астрономик жадваллар” ни тузиб чиқди.

Хоразмлик машхур энциклопедист –олим Абу Райхон Беруний (973-1048) бойитди. У биринчилар катори Ернинг харакатланиши ва унинг Куёш атрофида айланиши мумкинлиги хақидаги илгор революцион гояни илгари сурди. Беруний Куёш ва юлдузлар бир хил табиатли осмон жисмлари булиб олов шарлардан иборатdir дейди.У Ер радиусини улчашнинг янги ва жуда 12

кулай усулини беради. Беруний Птолемейнинг олам тузилиши тугрисидаги таълимотига ишончсизлик билан қараб уни танқид килди. Птолемей системасига тарихда Аверроес номи билан машхур 12асрда яшаб утган олим Ибн Рашид Абул Валиднинг куйидаги баҳоси жуда ўринли эди: “Хакикий мавжуд астрономияга нисбатан Птолемейнинг астрономияси хеч нарса эмас, бирок унинг системаси хакикатда йук булган нарсаларни (харакатларни-авт.) хисоблаш учун кулай”.

VI мақола Қуёш ҳаракатига, VII мақола ой ҳаракатига ва VIII мақола Қуёш ва ой тутилишлари шунингдек, тутилишлари билан боғлиқ бўлган метерологик ҳодисалар баён қилинади. XI мақола қўзғалмас юлдузларга бағишлиланган, бунда 1029 юлдузни ўз ичига олган каталогда юлдузларнинг экментик координатлари ва юлдуз катталиклари келтирилади. Бу каталог Ўрта асрда тузилган энг катта каталог деса бўлади, X мақола планеталар ҳаракатига ва ниҳоят IX мақола метеорология ҳамда ой манзилларига бағишлиланган, бу ерда ҳар қандай планетанинг бирор вактдаги ҳолатини хисоблаш усули ҳам баён қилинади.


“Қонуни масъудий”да ёритилган масалаларнинг қисқача рўйхатиёқ бу ажойиб асарнинг илмий аҳамияти ҳақида гувоҳлик беради. Қўйилган масалаларни ҳал қила туриб, Беруний янги натижаларга эришади ва ўзининг оригиналлиги ҳамда мустақиллиги билан кишини ҳайратда қолдирувчи фикрларни илгари суради.

Беруний давр тақазоси тифайли астрономия билан шуғулланишга мажбур бўлса ҳам, умуман у астрологияга бутунлай қарши эди.

Беруний қуёш системасининг тузилиши ҳақидаги масала билан маҳсус шуғулланади. Бу ҳақда унинг бизгача етиб келмаган асарлари “Ер ҳаракатими ё қўзғалмасми”, “Арабларнинг ер ҳаракати ҳақидаги фикрлари” асарларининг номи гувоҳлик беради.

Беруний гелиоцентрик нүқтаи назарда турган VI-VII аср атоқли ҳинд астрономлари Ариабұатга ва Брахмагуптанинг астрономик назариялари билан қизиқади. Шу муносабат билан у ернинг айланма ҳаракати астрономияга зид әмас, ҳар қандай астрономик ҳодисалар шу ҳаракатига мувофиқ содир бўлади, деган ўз даврига нисбатан дадил фикрни айтади. Албатта, Беруний гелиоцентрик назарияни яратмади ва астрономияни баён қилишда у Птоломей системасига асосланди, чунки у система ўша давр талабини қондирап ва қузатишларга мос келар эди.

Беруний астрономияга оид асарларида физик масалаларга ҳам тўхталиб ўтади. У ўткир синчковлик билан Ой тутилиши натижасида содир бўладиган ҳодисаларни тавсифлади; Қуёш, тонг ва оқшом рўй беришларининг сабаби таърифлашга ҳаракат қиласи.



2- расм. Берунийнинг олам тузилиши ҳақидаги қарашлари. Унга кўра Қуёш, ўз атрофида айланадиган ёМдошлари — Меркурий ва Венера билан бирга
Йер атрофида айланади

Абу Наср Мұхаммад ибн Узлұғ ибн Тархон Фаробий 873 йилда Фороб деган жойда туғилған.Форобий астрономия соҳасида бир қанча асарлар яратган .У юнон олимни Птолемейнинг астрономияга бағишиланған “Алмагест” асарига қўшимчалар,Аристотелнинг “Осмон ”,”Метеорология” асарларига шарҳлар,”Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида сўз”,”Олий жисмлар тасирида ҳақида китоб”ва бошқаларни ёзган,Форобий 13асрнинг буюк астрономи озарбайжонлик Насриддин Тусий Мараге обсерваториясига асос солди. Куп йиллик кузатишлар нажисада Тусий раҳбарлигига планеталар ҳаракатининг жадваллари “Илхан жадваллари” тузилди.

15 асрнинг биринчи ярмида Самарқанд обсерваториясининг оламга машхур астрономлар

Румий Жамшид Коши,Али-Күшчи, Румий, ва бошқалар.

Гарчи тарихий манбаларда Самарқанд расадхонасиға тегишли маълумотлар жуда кам акс этган бўлса-да ,бироқ, Улугбек ва унинг мактаби олимларнинг астрономия ва математика соҳаси бўйича қилған ишлари акс этган тарихий манбалар етарли. Бунда айниқса Али Қүшчини хизмати катта бўлған деб тахмин қилинади. Машхур олим Алловиддин ибн Мұхаммад Али Қүшчи 1402йил Самарқанда туғилған .У бошланғич маълумотни Самарқандда олиб ,1414 йилгача ўқишининг давом эттирилади.Ўз маълумотини ошириш учун 1414 йилда Эрон ,Кирон шаҳрига жўнайди ва уерда табиий фанларни пухта эгаллайди

1420-1430 йиллар орасида Улугбек мадрасасига машғулотлар ўтказиш ва илмий ишлар билан башбул бўлиши билан бирга Улугбек расдахонасини куриш ишларига фаол қатнашади.Унинг Ҳисоб рисола”,”Астрономия

рисоласи” асарларни ёзилгандан сўнг, у олимлар орасида катта оброда эга бўлди. Улуғбек расадхонаси да олиб борилган кузатишларга асосан, Қушчи йиллнинг тўрт фасли даврларида Қуёning ҳолати ҳақида ўзи эришган жуда муҳим натижаларни баёни. Шунингдек, Улуғбек расадхонасида олиб борилган кузатишларнинг натижаларига асосан „юлдузларнинг ва сайёраларнинг ҳаракатлари, перигей(паст) ва апогей (юкори) масофалари, фазода ҳар бир сайёранинг ўрни, Қуёшдан ўзоклиги ҳақида ҳисоблашлар, ҳамда буларга боғлик жадваллар баён қилинган.

Бу китобда Ой ва Қуёш ёзади: “Ой Ер билан Қуёш орасига кирса, Қуёш юзини тўсади, ёруғлик ўтмайди, қоронғу бўлсада, шу ҳолни Қуёш тутилади дейдилар. Қуёш юзидаги қоронғулик Ойнинг соясидир. Қуёш тўлиқ тутилиши ёки қисман тутилиши мумкин. Бу ҳол Ойнинг ер билан Қуёш орасидаги ҳолатига боғлиқ”.

Яна бошқа жойда Қушчи шундай ёзади “Ер Қуёш билан Ой орасида тушиб қолса, Қуёш ёруғлигига тўсиқ бўлади, натижада Ой ўз рангидан кўринмайди. Мана шу ҳолатни Ой тутилиши дейдилар. Ойнинг тутилиши ҳам гоҳ тўла, гоҳо қисман бир барча доғ ҳолатида учрайди ҳар икки ҳолат ҳам Ойнинг шарқдан боғланади.

1420-1440-йилларда Қуёш ва Ой тутилишини Улуғбек расадхонасида илмий кузатишлар орқали аниқ ҳисоблаб жадвал га олиб, бу табий ҳодисани олдиндан айтиш мумкинлигини тўла шарҳланган олим Али Қушчи бўлиб, бу унинг жасур олим эканлигини исботлайди.

Китобнинг иккинчи бўлими Ер, Ернинг таркиби, иқлим ва об-ҳавосига бағишланган. Ер қурраси, шимолий ва жанубий қутиблар, эватор, меридиан чизиқлар тўғрисида, иқлим ва об-ҳаво ҳақида жуда кўп маълумотлар баён этилган.

Қушчи ёзган “Астрономияга оид рисола” XVасрларда Ўрта Осиёда астрономия фанининг қай даражада ривожланганлигини қўрсатади. Бу асар

астрономиядан ёзилган энг муҳим асар бўлиб, астрономиядан ўқиши китоби вазифасини ҳам ўтади. Кушчи ваотидан сўнг , XV-XVIII асрларда унинг шогиртлари ўз устозларининг гилмий шларини давом эттиридилар . Булар орасида Мирим Чалаби, Ҳусайн Биржандий , Баҳовиддин Омулий , Нажмиддин Алихон ва бошқалар бор.

Ўрта аср Шарқ олимлари ичидаги Абу Райхон Берунийнинг илмий мероси алоҳида ўрин тутади. Абу Райхон ибн Аҳмад Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмнинг қадимий пойтахти Қиёт ҳозирги Беруний шахрида туғилган. Беруний даврида Қиёт шахри мамлакатнинг асосий ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва савдо маркази сифатида танилган.

Беруний олимнинг тахаллуси бўлиб Беруний форсча «Берун» (ташқари) сўзидан келиб чиқкан. Беруний сўзи шахар ташҳарисидан келган деган маънони билдиради. Абу Райхон унинг лақабидир. Олимнинг отасини Аҳмад ўзини эса Мухаммад деб атардилар.

Абу Райхон Беруний, Мухаммад Хоразмий, Ал-Фаргоний, Фаробий ўша даврларда машҳур бөлган сингари олимларнинг асарларини мустақил ўрганди, унинг биринчи устози Абу Носир ибн Ироқ номли математика олими эди. Ҳозиргача Берунийнинг 152 асари маълум бўлиб, бизга унинг фақат 30 таси сақланиб етиб келган. Жами асарларининг 70 таси астрономияга, 20 таси математикага, 12 таси географияга ва геодезияга, 4 таси минерологияга, 1 таси физикага, 1 таси доришуносликка, 15 таси тарих ва этнографияга, 4 таси фалсафага, 18 таси адабиётга бағишлилангандир. У 50 ёшидаёқ қадимий эрон илмий адабиёт тили санскрит тилини, бундан ташқари хоразм, форс, араб, яхудий, грек тилларини ҳам билар эди.

Беруний ўзининг физика соҳасидаги ишларини физиканинг механика, акустика, иссиқлик, ёруғлик, электр ва магнетизм масалаларига бағишлиланган

эди. Материя ўлчов бирликлари, тезлик, чизиқли ва бурчак тезлик, оғирлик, солиширма оғирлик, туаш идишлар, фаввора, артезиан қудуклари, бўшлик, атмосфера босими, конвекция, суюқлик заррачалари орасидаги тортиш кучи, инерция, таъсир, жисмларнинг эркин тушиши, оддий механизмлар сингари тушунчаларга бағишенган унинг баёнотлари механика фанининг тарафшиётида ўзига хос ўрин тутди, у ёруғликнинг табиати ҳағида фикр юритар экан, ёруғлик нурини моддий заррачалар дастаси деб таъкидлайди, ёруғлик тезлигини товуш тезлиги билан таққослади, ёруғликнинг синиши, шайтиши, рангларга бўлиниши сингари ҳодисаларни тушунтиришга уринди, у магнит ҳутблари, магнит хоссасининг ташҳи куч таъсирида ўзгаришини тушунтиришдаги фикрларини олға суриб баён этиш билан ғаноатланмай, минераллар ҳақидаги асарида: «электрон» терминини тушунтириш учун «қаҳрабо» сўзига изоҳ беради, «қаҳрабо» сўзи форс тилидан олинган бўлиб, қаҳ – сомон, рубо – ўғирлагич демакдир, деб тушунтирда, бу маъно ишшаланиш туфайли, электрланган жисмлар томонидан сомонга, сочга ўхшаш енгил нарсаларни ўзига торта олиш хоссасини ифодалайди. У гидростатик усул билан 50 дан ортиқ модданинг солиширма оғирликларини ўлчашга муваффақ бўлди, бунга қуйидаги бир неча мисолни келтириш кифоя:

№	Металлар	Берунийнинг ўлчашлари натижалари.	Ҳозирги қабул қилинган қиймат.
1	Олтин	19,8	19,3
2	Симоб	13,55	14,19
3	Кумуш	10,42	10,5
4	Қўрғошин	11,47	11,34
5	Мис	8,71	8,89
6	Темир	7,98	7,83

2-БОБ ОЛАМ ТУЗИЛИШИННИГ ГЕЛИОЦЕНТРИК ТАЛЬИМОТЛАРИ ВА УНИНГ УЧУН КУРАШ

2.1 Коперник олам тузилишининг гелиоцентрик тальимотларини асосчиси

Оламнинг модели биринчи бўлиб қадимги Гречияда(Анаксимандр ,Филолай,Аристрах Самодесский) қурилган. Коинотнинг моделини энг тўғри Аристарх самотсий аниқлаган. Унинг фикрича Ер сфера шаклида ва яна етти сфера –Меркурий,венера ,марс, юпитир ,Сатурин,Ой ва юлдузлар-Қуёшнинг атрофида айланишади. Бу оламнинг биринчи гелиоцентрик системаси эди Аристарх самотский бундан ташқари Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини ҳам айтиб ўтган. Буларнинг ҳаммаси учун уни динний уламолар томонидан Афинадан қувилган.

Греция мантиқ ва диалектиканинг ватани ҳисобланади. тақиби остида қолиб, “Диалектика” терминини греклардан пайдо бўлиши кўрсатади. Қадимда диалектика деганда шундай нарсаки аввало сухбат қуриш сънати ва унидан ташқари душманларини тахлил қилишда қарама-қаршиликларни аниқлаш йўли орқали хақиқатга эришишдан иборатдир. Атомистикани асосчиси Демокритнинг шундай бир фикри бор-”Менга перцияни бошқаришдан кўра бирги илмий далилни топиш авзалроқдир”. Бу сўзлар орқали гречияни илмий методлар қай даражада эканлигин кўрсак бўлади. Замонавий илмниг номлари: Математика, механика, физика, география, биология

Николай Коперникнинг туғилган ватани – Торунь шаҳрида унга қўйилган моинумент остига шундай сўзлар ёзилган. Дарҳақиқат шундай Коперник ўзининг “Осмон сфераларининг айланиши” деб номланган буюк асарида ўнлаб асаллар давомида куёшни Ер атрофида айланади деб тушунтирган Птоломейнинг геоцентрик системасини асоссизлигини исботлайди ва олам

тузилишининг хақиқий сруктурасини ўзида акс эттирган геолицентрик системасини яратади.

Гелиоцентрик таълимоти ижодкорининг генийлиги ва бу таълимотининг революционлиги устида тўхталиб Ф. Энгельс шундай дейди: “ Табиат масалаларида черков обрўсига катта зарба берувчи Коперник ёзганабадий асарнинг нашр қилиниши, –дейди Энгельс, – революцион акт бўлди, шу билан табиатни ўрганиш иши ўзини мустақил деб эълон қилди ва гўё папа булласини лютерча куйдириш қайтарилгандай бўлди.гарчи табиат билан теология ўртасида бўлган айrim ўзаро даъво бизнинг кунимизгача чўзилган бўлса ҳам ва ақл эгаларида, хатто хозиргача бу қараш тугамаган бўлса ҳам, табиатни теологиядан озод қилиш ўз хисобини мана шундай бошлайди!

Бу таърифдан кўринишича коперник ўз таълимоти билан табиатшуносликда янги даврни очиб берди. Янги астрономиянинг буюк асосчиси Николай Коперник 1473 йилнинг 19/28 февралида Висла дарёси қирғоғидаги Торунь шахрида дунёга келди. Коперникнинг отаси савдогар бўлиб йирик савдо маркази бўлган бу шахарчага 1455йилда Krakowдан кўчиб келади. XIII асрда ташкил топган Торунь шахри XVасрга келиб, Пруссиянинг бир қанча шахар-қишлоқлари ва ерлари қатори Польша чегарасига ўтиб қолади. Торун шахрида Коперникнинг отаси Варвара Веченродега уйланади. Бу оиласда турт болани энг кенжаси Николай Коперник эди.

Н.Коперник ўн йилга қадар оиласининг тарбиясида бўлди. 1483йили унинг отаси фавқулодда вафот этади ва оиласа раҳбарлик қилишни тоғаси Луке Ваченроде ўз зиммасига олади. Луке Ваченроде йирик дин вакилларидан эди ва бу даврда у Вармия епархиясининг канониги лавозимида ишлар эди. Вармия епархияси алоҳида князлик хуқуқидаги ташкилот бўлиб, Польшанинг қарийбучдан бир қисми унинг қўл остида эди. Эпархия бошлиғи епископ хисобланиб, унинг 16 каноник ва 5 прелотдан иборат собор конитули бор эди. Коперникнинг тоғаси ўз олдига жиянларини тарбиялаш ва ўқитишни мақсад қилиб қўяди. Дастлабки маълумотни

Коперник ўз акалари билан бирга Торунь мактабида ва сўнгра Влацлавск мактабида олади. У 18 ёшга тўлгач, Луке Ваченроде коперникни Кравов университети, бу даврга келиб ўзининг машхур ўқитувчилари билан дунёга танилган эди. Коперник университетининг санъат факультетига ўқишга киради. Бу факультетда IV асрнин эрамиздан олдин машҳур файласуфи Аристотель таълимоти, лотин ёзувчиларининг асарлари, математика, астрономия ва музика назарияси ўқитилар эди. Университетда ва астрономия кафедраси IV асрнинг ўрталарида ташкил қилинади, геометрия, планеталар харакатининг назарияси, тутилишлар назария астрономик календарлар тузиш каби ўқув предметларни ўз ичига оларди.

Краков университетининг профессорлари орасида астрономия ўқитувчиси Войцех/Альберт/ Блар Брудзевский/Брудзеволик/ энг кўзга кўрингандаридан хисобланарди. Унинг қўлланмалари дарслик сифатида чиқса хам, аслида Птоломей системасининг нозик жойларини, ундаги қарама-қаршиликларни сезарди. Бироқ бу моментлар тўғрисида университет аудиторияларида гапириш хайти учун қимматга тушишини билиб, ўз лекциялари бу масалаларида керагидан ортиқ тўхтальмасди. Ўқиш давомида Коперник Птоломейнинг геоцентрик системаси билан яқирдан танишиш ва бу назариянинг нозик-хақиқатдан узоқ жойларини, қарама-қаршиликлардан холи бўлмаган моментларни ўрганиш имконига эга бўлади. Бироқ Коперник университетини тўлиқ тугатмай Ватанига қайтиб кетади. XV асарнинг охирларида келиб, схоластика ва гуманизм ўртасидаги антогонистик зиддият асосида келиб чиқсан студентлик характерлари Коперникни ўқишини ташлаб кетишига сабаб бўлган деб тахмин қилинган. 1494 йилда Ватанига кетиб қолишининг иккинчи бир сабаби, тоғаси Луке Ваченроде томонидан уни бўш қолган канониклик ўрнига сайловдан ўtkазиш мақсадида чақириргани бўлиши хам мумкин. Бироқ бу ўрнига кандидатларни кўплиги ва Коперникона каноник хуқуқи бўйича докторлик даражаси йўқлиги, бу орада епископлик даражасига кўтарилиган тоғаси Ваченроденинг хар қанча уринишларига қарамай Коперник фойдасига хал бўлмайди.

Шундан сўнг Ваченроде жиянининг билими диний карьера олиш учун етарли эмас деб хисоблаб, уни италияга ўқишга жўнатади. Коперник 1497 иили Болонье университетининг студенти қилиб қабул қилинади. Тоғасининг хохиши бўйича Коперник университетининг юридик факультетида черков қонунларини пухта ўзлаштиргани лозим эди. Бирок уни қўпрпоқ табиат фанлари, айниқса астрономия қизиқтиради. Университетнинг астрономия профессори Доменико Мария ди Навара Коперникдаги қизиқишини сезиб, амалий астрономиянинг барча мавжуд методлари билан таниширади, бирга кузатишлар қиласди. Жумладан 1497 йил 9 марта Альдеберан юлдузининг / Телец юлдуз туркумининг -си/ Ой билан тузилишини бирга кузатишганлари хақида аниқ маълумотлар мавжуд. Кейинчалик Коперникни Навара билан қилган астрономик кузатишлари хақида унинг энг яқин ўқувчиси Георг Иоахим шундай эслайди: “Менинг ўқитувчим / Н.Коперник-авт/ жуда катта аниқлик билан Баонъеда астрономик кузатишлар олиб бориди. Балонъеда коперник новаранинг ўқувчисигина бўлиб қолмай, унинг кузатишларида энг яқин ёрдамчиси ва доимий гувоҳи бўлди. Доменико Навара Птоломейнинг олам тўғрисидаги таълимотига тўла қўшилмайди. Хусусан Ойнинг юлдузлар фанидаги харакатини бутунлай бошқача асослайди. 1497 йили Вармия епархиясида канониклик лавозимига яна бир ўрин бўшайди ва бу ўринга Коперник, тоғаси епископ ёрдамида сиртдан сайланади. Капитул Коперник илтимосига кўра унга Болонье университетини тугатиш учун уч йилга рухсат беради.

Университетда грек тилини ўрганиши Коперникка астрономия ва математика билимларини такомиллаштириш борасида мустақил ишлаш учун катта имкониятлар яратади.

1500 йилнинг баҳорида Италиянинг йирик маданият ва фан ўчоги билан яқиндан танишиш мақсадида у Коперник Римгайўл олади. У Римда қарийб бир бир йилгача қолиб, кўп жойларда математика ва астрономия бўйича доклад ва лекциялар билан чиқади. Коперник Рим университетида хам лекциялар ўқиган деган, бирок тўла асосланмаган маълумотлар мавжуд

1501 йил медицина билим олиш ниятидалигини билдириб, чет элга командировкасини чўзиб беришини капитулдан илтимос қиласди. Капитул унинг талабини қондиргач, бу дафа Коперник Италиянинг Падус университетига йўл олади XVI асрнинг бошларида бу университет юридик, фалсафа ва медицина факультетлари билан оламга танилган эди. Университетда медицина билимини бериш Абу Али ибн Сино /930-1037/ асрлалари асосида, фалсафа билимлари эса, платон ва Аристотель трактатлари асосида олиб бориларди. Университет профессорлари орасида машхур рассом ва табиатшунос Леонардо да Винчининг ўқитувчиси Маркс Антоний делла Торре, бутун Европага донғи кетган Пьетро Помнонаци ва машғур астроном, врач хамда философ Джиролома Фракторолад бор эди. Н. Коперник университетнинг юридик факультетини тугатгач, черков хуқуқидан докторлик даражаси олиш учун Феррерага боради. Коперникни докторлик даражасига имтихон топшириш учун Феррерага боришнинг сабабаи, у ерда имтихонни Болонье ва Падуе университетларидағига нисбатан енгиллиги ва кам чиқимдорлиги бўлса керак деб тахмин қилинади.

1503 йилнинг 31 майида Коперникка докторлик даражаси берилади. Имтихондан сунг хам Коперник Фаррапеда бир неча ойга қолиб, йирик фан вакиллари, хусусан машхур математик Джовани Бьянки билан танишади. Сўнгра Падуега қайтиб, яна қарийб икки йил давомида медицина соҳасидаги билимларини такомиллаштиради. Амалий медицина машғулотларини университетда Треполинус олиб боради. У медицинадан ташқари математика, астрономия соҳасида хам университетда таниқли ўқитувчиларидан хисобланарди. Ўша замон олимларига хос университетлик Траполинусда хам борлиги, Коперникка астрономия соҳасида фикр алмашиши учун қўл келди. Бу даврда Коперник геоцентрик системанинг олам тузилишини хақиқий структурасини ўзида акс эттираолмаслигига тўла ишонч хосил қиласди. 1505 йилнинг охирида у университетни тугатиб, медицина билимлари билан тўла қуролланган холда Ватанига жўнади.

Италияда Коперникнинг 9 йил бўлиши, уйғониш даврининг энг йирик олимлари билан алоқаси, ўша даврини таниқли мутаффакирларидан бўлиб этишишида катта хисса қўшди. Натижада у ватанига юрист, медик, математик ва астроном мутахассисликларини эгаллаб қайтди.

1506 йилнинг бошида Н.Коперник Вармия епархиясига қарашли Болтик денгизидан кўп узоқ бўлмаган фромборк шахарчасига келади ва кўп ўтмай, тоғаси-епископининг резиденцияси Лидабаракка кўчиб ўтади. Бу ерда у епископнинг маслаҳатчиси ва врачи сифатида ишлай бошлайди. Бу даврда Коперник тоғаси Ваченроде билан бирга епархиянинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва дипломатик фаолиятида актив иштирок этди . коперникнинг канонлик вазифасидаги кенг фаолияти гелиоцентрик системанинг туғилишига тўсқинлик қилмади.

У 509 йил Коперник гелиоцентрик системасининг асосий қисмларини ўз ичига олган ва “Николай Коперникнинг осмон харакатларига тегишли гипотезалар хақидаги кичик комментарийси” деб номланган қўлёzmани тайёрлади. Бу “комментарий” да гелиоцентрик системанинг асосий тушунчаларини Коперник қўйидаги асосий пунктларда аниқ қилиб беради:

1/ Ернинг маркази оламнинг маркази бўлмай, фақат Ой сферасининг ва оғирликнинг марказидир;

2/ Барча сфералар қуёшнинг атрофида айланади, демак оламнинг маркази Қуёшdir;

3/ Осмон сферасининг кўринма айланиш хақиқий бўлмай, Ернинг айланиши туфайлидир;

4/ Қуёшнинг кўринма /йиллик-авт./ харакати унинг хақиқий харакати бўлмай балки, Ернинг планеталардан бири сифатида Қуёш атрофида айланишидандир;

5/ Планеталарнинг сиртмоқсимон харакати, уларнин ва аксинча жиянининг бу дунё қарашини хар жихатдан қўллайди.

1512 йил тоғаси епископнинг вафоти муносабати билан минорали калин тош девор билан ўралган эди. Коперникнинг астрономик машғулотларидан

хабардор бўлганкапитул аъзолари унга қалъа минораларининг биридан жой ажратишиди. Минора атрофида қалин тош девор усти астрономик кузатишлар учун қулай бўлганидан Коперникка бу жой жуда маъқул тушади. Коперник 1516 йилга қадар гелиоцентрик системасини такомиллаштириш ва исботи устида ишлади. Бунинг учун у ўзи ясаган икки содда инструментлар ёрдамида тинимсиз астрономик кузатишлар олиб боради. Бу инструментлардан бири-квадрант бўлиб, ёритгичлар /юлдузлар, планеталар ва Қуёшнинг меридиандаги баландликларини аниқлаш мақсадида меридиан текислигига ўрнатилган эди; иккинчиси параллактик инструмент/ трикветрум/ бўлиб; ёритгичларнинг зинетдан узоклиги ёки горизонтдан баландлигини аниқлаш учун қўлланиларди. 1516 йил Коперник Вармиянинг жанубий қисмига бошқарувчи қилиб тайинлаши муносабати билан у Ольштин қалъасига кўчиб ўтади.

Кўп ўтмай Тевтон ордени қўшинлари Вармияга бостириб киради, каттик жанглар бошланади. Душман Вармияни кўп шахар ва қишлоқларини талайди ва ўт қўяди. Камалда қолган Ольштинни душман қўлига бермай, қамални ёрибўтишиди ва Тевтон ордени қўшинларини Вармия жанубидан хайдаб чиқаришда Коперник юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатди. Урушдан кейин вайроналарни тиклашда ва халқларга ёрдам бериш ишларида ўзи бош бўлди. 1921 йилгача давом этган бу уруш Коперник ижодига таъсир қилмай қолмади албатта. Бирок 1520 йилнинг 18 февралида 30 апрелида ва 13 июнида Коперник томонидан Юпитер ва Марсни кузатилганлиги хужжатлари, вазиятни оғирлигига қарамай, ўз севган ишини бутунлай тўхтатмаганидан далолат беради.

1420 йилларда Н.Коперник капитулнинг административ, хўжалик ишлари бўйича инспектори лавозимларида ишлаш билан қаторда, гелиоцентрик системасининг назариясини акс эттирувчи олти китобдан иборат “осмон сфераларининг айланиш хақида” асари устида тинимсиз иш олиб борди. Аниқ маълумотларга қараганда, бу буюк асарнинг қўлёзмаси 1430 йилларнинг бошларида тайёр бўлган бўлсада, лекин Коперник уни

бостириш тўғрисида ўйламади. Пифагор ва унинг шогирдлари традициясига кўра, у ўз назариясини ўқувчилари ва яқин дзстларига оғзаки баён қилиш билан чкгараланмоқчи бўлди.

Агар бу буюк қўлёзмадан Вишенбург университетининг 22 ёшида профессор унвони олган талантли математиги Георг Иоахим фон Ляухен ва Коперникнинг яқин дўсти Тидеман Гизе хабардор бўлишмаса бу машхур асар қўлёзмалигича қолиб кетиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Гелицентрик назариядан хабар топган тарихда Ретик номи билан танилган Георг Иоахим фон Ляухен Коперник билан учрашиш ва дунё тузилишининг авторини ўзидан бу назария тўғрисидаги бирдан бир тўғри таълимотига ишонч хосил қиласади.

Бу даврда Пруссиянинг Лебай ўахарчасида истиқомат қилаётган епископ, Коперникнинг яқин дўсти Тидеман Гизе хам ўз дўстининг гелиоцентрик системасидан хабар топиб, уни ўрганиб чиқади ва натижада бу системанинг содиб химоячисига айланади. Ретик Тидеман Гизе билан келишиб, Коперникни бу қўлёzmани бостиришга ундайдилар.

Бу даврда Ретик қисқа муддат ичида оламнинг янги системасининг асосий моментларини ўзида акс эттирган брошюорани хат формасида ёзилади. 1477-1547 карта ёзилган эди. У ўз хатида Н.Коперник ва унинг гелиоцентрик назарияси хақида қуёидагиларни ёзади : “..... худо Коперникка астрономияни тиклашни тушунтириш ва ривожлантиришни уddасидан чиқа олади деб хисоблаб унга бу фаннинг скипетрини топширди.....Олимларнинг олими Шонер мен сенга Ой ва планеталарнинг харакати, юлдузлар ва қуёшнинг харакатсизлиги хақида қисқача билдираман ва бундан сен менинг ўқитувчим /Коперник –авт./нинг бу буюк изходидан хамма математика фанлари билан шуғулланадиганлар ва умуман келажак авлод, тинимсиз оқаётган чашмадек, узлуксиз буюк хулосалар олишига ишонасан” .

Ретиннинг бу хати “Биринчи хикоя” номи билан 1539/40 йилларда Гданьскда босилиб чиқди.

Ретик ва Гизенинг кўп уринишларидан сўнг Коперник ўз қўлёзмасини папа Павел III бағишланган сўзбошиси билан чоп қилишга розилик беради ва 1542 йили Нюренбергга-Ритикка юборсин учун дўсти Тидеман Гизега жўнатади. Ретик қўлёзмани яқин таниши Иоганн Петриянинг босмахонасида чоп қилишга келишиди. Қўлёзмани босмага бергач, унинг чоп қилишига келишади. Қўлёзмани босмага бергач, унинг чоп қилинишидан дастлаб ўзи хабардор бўлиб туради. Бироқ 1542 йилнинг кишида математика профессори лавозимида Лейпцигга ўтиб кетиши муносабати билан Коперник асарини бостириш устидан назорат қилиб туришни математик Андрей Осиандрга топширади.

Осиандр Коперникнинг рухсатисиз унинг папа Павел IIIга бағишланган сўзбоисини тушириб қолдириб унинг ўрнига ўзининг узук-юлук, асарининг обрўсига путр берадиган сўзбоисини беради.

Хусусан ўз сўзбоисидан Осиандр Коперникнинг Ер қуёш атрофида хамма планеталар қатори айланиши тўғрисидаги революцион таълимотини гипотезадан бошқа нарса эмас деб талқин қиласди.

1542 йилнинг кишида Николай Коперник касал бўлиб ётиб қолади. Унинг биринчи биографларидан хисобланувчи машҳур философ ва олим, Krakov университетининг ўқитувчisi Пьер Гассендининг /1592-1655/ ёзишича Коперникнинг миясига қон қуилиб, танасининг ўнг томони палажланган “.....шу моментдан бошлаб –деб ёзади Пьер Гассенди, -унинг ақлий қобилияти сусаяборди. Ўлими куни, охирги нафасига бир неча дақиқа қолганда, унга янгигина босмадан чиқсан асарининг бир нусҳасини келтиришди.....Коперник китобни қўлига олиб унга тикилди, бироқ, унинг фикри аллақачон узоқларда эди”. Юлиан календарининг 1543 йил 24 майи куни олам тузилишининг революционери қўлида ўлмас ижоди билан оламдан ўтди. Коперникнинг “гениал асари-осмон сферасининг айланиши” олти китобдан иборат бўлиб олам тузилишининг асосий таълимоти қуйидаги тартибда баён қилинади. Биринчи китобида Коперник Ернинг ва оламнинг шарсимон шаклдагини, осмон жисмларининг харакати-айланна бўйлаб

эканлиги хақида тұхталади. Шунингдек Ер катталиги осмон билан киес қилиб бўлмаслик даражада кичик деган фикрни беради.

Унинг иккинчи китоби, Ернинг суткалик ва йиллик харакатларининг назариясига, эклиптиканинг /Күёшнинг йиллик кўринма харакатиниг –авт/ олам экваторига оғвалигига; йил давомида кўп ва тун узунликларининг ўзгаришларига бағишиланган. Бу китобда 50га яқин юлдуз туркумларидаги кўзга кўринадиган юлдузларнинг координатлари аниқланган жадвали хам келтирилган.

Учинчи китоб эклиптика ва олам экваторининг кесиўган нуқталаридан бири баҳорги teng қунлик нуқтасининг силжиши процесиясига, ҳамда күёшнинг кўринма холатларини аниқлашга қаратилган.

Коперник тўртинчи китобида фақат ой хақида тұхталади. Хусусан ойнинг харакати, тутилиши ҳамда, ер ва қуёшга нисбатан катталигини аниқлаш масалалари шу китобда кўрилади.

Бешинчи китобда гелиоцентрик таълимот асосида маълум битта планетанинг харакати назарияси ўз аксини топади. Планеталарнинг сиртмоқсимон харакати ернинг ернинг қуёш атрофида айланиши билан боғлаб исботланади. Планеталар вазиятини хисоблаш назарияси хам шу китобда келтирилган.

Энг сўнгги олтинчи китобини коперник битта маълум планеталарининг кенглик бўйлаб харакатининг умумий назариясига, хусусан уларнинг орбита элементларини аниқлашга бағишлийди. Коперникнинг бу асари черков томонидан дархол таъқиб остига олинмагани кўпчиликни ажаблантиради. Бунинг сабаби бо эди албатта. Дин ахли бу асарни астрономик кузатишларни хисоблашни қулайлаштирадиган гипозета деб қарайди. Хусусан 1582 йилда Папа Григорий XIII янги календарь системасини жорий қилишда асос қилиб олинган тропик йилнинг узунлиги / вақт бирлигидан/ Коперникнинг янги системаси бўйича хисоблаб топилади.

Коперникнинг гелиоцентрик система хақидаги таълимоти, дин ахли тарғиб қилган олам тузилишининг қайси илдизларига болта урди?

Бу саволга жавоб беришдан олдин черковнинг олам тузилиши хақидаги тассавури хақида тўхташ мақсадга мувофиқ бўлади. Христиан дини библияда келтирилган олам тузилиши хақидаги қуйидаги дунёқараши танқид қиласди. Ернинг худо ўз севган қулларининг одамзотиниг қароргохи сифатида. Бутун оламнги эса ўз бандаларига хизмат қилсин учун ато қилди. Жумладан Қуёш, ой ва юлдузлар бандаларининг тун-кунларини ерритсин учун яратилган. Ер шундай бир сахнаки- дейилади диний ақидаларда, -бунда одам, худо ва азроилнинг ўзаро муносабатлари кўринади. Тўққиз қават осмоннинг тепасидаги осмонда дўзоҳда тузилган оллохнинг режалари шу сахнада амалга оширилади. Оламнинг иккинчи қисми юдузлар осмони ортида бўлиб кўзга кўринмайди. Оламнинг бу осмонида худо фаришталари билан истиқомат қиласди. Худо ўз қароргохидан туриб ердаги хаётни ва бу хаёт учун яратган эисмлар ой, қуёш ва юлдузлар харакатини бошқаради. Бор ва кўринмас дунёning ўзаро таъсирлашадиган майдони шу биргина ер бўлиб, бутун борлиқнинг марказида ётади. Христиан динидан ташқари иудизм ва ислом дини хам олам тузилиши тўғрисида тахминан шундай ғояни илгари суради. Бундан кўринишича дин оламни-туғилиш ва улиш, қурилиш хамда вайронагарчилик қонунлари хукмдор ер дунёсидан ва доимий-тугал бўлиб худо томонидан бошқариб турган осмон дунёсидан иборат икки қарама-қарши дунёга ажратади. Оламни черков тарғиб қилган бу системаси фанда олам тузилишига антропогеоцентрик қараш дейилади , /антрапос –одам демакдир/. Антропогеоцентрик қарашнинг асосини ташкил этган қисмлари Птоломейнинг геоцентрик системасида ўз аксини топгани учун хам, бу системадаги қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларга қарамай дин ахли бу системага тиш-тирноғи билан эришиб олди.

Коперник ўз революцион системасини яратиш билан антропогеоцентрик дунёқарашининг асосий принципларига бархам бериб, Ер коинотда алохига ўрин тутадиган, ажралган холдаги ягона қароргох эмаслигини ва Ер хам хамма бошқа планеталар қатори Қуёш атрофида айланадиган бир осмон жисми эканлигини кўрсатади. Бу билан Коперник

антропогеоцентрик дунёқарааш хақиқий олам тузилиши билан хеч қандай умумийликка эга эмаслигини исботлайди. Н.Коперник таълимотининг яна бир буюк қудрати шундан иборатки, у дунёнинг моддий бирлиги хақидаги материалистик дунёқарашини тан олишда мухим қадамни қўйди.

Уйғониш даврининг прогрессив вакиллари Коперникнинг революцион дунёқараши билан қуролланиб, дин ахлига қарши кескин ўт очгач, черков бу таълимот олдида ўзининг қанчалик ожизлигини сезиб қолди. Шундан бошлиб, гелиоцентрик системани тарғиб қилишнинг хар қандай кўринишига қарши черков аёвсиз кураш бошлади. Бу курашнинг биринчи қурбони Джордано Бруно бўлди. У Коперникнинг гелиоцентрик системасини химоя қилгани ва ривожлантиргани учун 1600 йилнинг 17 февралида Римда, хазирги Гуллар майдонида гулхонада ёндирилди. Джордано Бруно ўзининг “чексизлик, коинот ва дунёлар” машхур асарида Коперникнинг революцион тамилотига қушилиб уни қўйидаги дунёқарашлари билан бойитади.

1/ Олам чексиз ва хамма нарсани ўз ичига оладиган бўшлик бўлиб, чексиз кўп маълум даражада бизнига ўхшаш дунёларни ўз ичига олади.

2/ Коперникнинг турли қисмларидағи алоҳида дунёларгина чегара ваммарказга эга. Уларнинг кўпчилиги қуёшга ўхшаган бўлиб, уларнинг атрофида хам планеталар мавжуд ва улар ўз укалари атрофида айланиб, Ердагилар каби оламнинг марказида турибмиз деб тасаввур қиласилар. Бу дадил фалсафий хулосаларининг тўғирлиги тўла тасдиқланади. Буюк акл сохиби фожиали ўлдирилиши гелиоцентрик система тўғрисидаги очик хақиқатни заррача бўлса хам йўқ қилмади. Кўп ўтмай Коперник асарлари хам каоликлар учун ман этилган адабиётлар рўйхатига қўшиб қўйилди.

Бироқ бруно ёнган гулхан кули йиғиширилмай туриб, Падуе университети залларидан бирида Галилейнинг Коперник ва Брунонинг революцион таълимотларини тасдиқлайдиган астрономик кузатишлар хақидаги доклади жаранглади. Галилей ўзининг : “Оламнинг икки буюк Птоломей ва Коперник системалари хақида диалоги” да олам тузилишининг хақиқий акс эттирувчиси сифатида Коперник системасини қарайди ва

эслатилган асарида гелиоцентирк системани амаллаштиришда катта хисса қўшади.

Коперник таълимотининг буюк давомчиларидан бири Иоган Кеплер бўлиб, “Коперник астрономиясининг қисқача баёни” асарида Коперник системасининг изчил давомчиси ва химоячиси сифатида майдонга чиқади. Кеплер ўзиннинг планеталарининг қуёш атрофидаги харакатига тегишли машхур уч қонунини Коперник системасига таянган холда ишлаб чиқади.

Россияда гелиоцентрик системанинг тарқатилиши Пётр 1 Я.В.Брюс /1670-1735/, А.Д.Кантемир /1708-1744/ ва М.В.Ломоносовнинг / 1711-1765/ номлари билан боғлиқдир. Астрономиянинг амалий ахамиятини яхши билган ва тушунган Пётр 1 ва бу фан билан шахсан қизиқади ва гелиоцентрик системани Россия тарқалишида хизмати катта. Гелиоцентрик таълимотни Россияда кенг тарқалишда айниқса Ломоносовнинг хизмати катта. Ломоносов ва унинг яқин сафдошларининг фаолиятининг кучли таъсири остида XVIII асрнинг биринчи ярмидек Коперникнинг гелиоцентрик системаси Россияда тўла тан олинди. XVIII асрнинг иккинчи ярмиданоқ, Коперникнинг системаси граждан харбий ва кейинроқ диний ўқув муассасаларида астрономия ўқитишнинг асосий қилиб олинди.

Кейинги йилларда фан тараққиёти гелиоцентрик таълимотни тасдиқлайдиган қўпгина янгиликлар яратди. Булардан бири 1728 йили инглиз астрономи Брадлей томонидан кашф этилган аберрация ходисаси бўлди. Аберац ходисасига кўра Ернинг Қуёш атрофидаги харакати туфайли юлдузлар осмонда шу харакат йўналиши томонга силжиган холда кўринади. Ернинг Қуёш атрофида айланишининг иккинчи исботи-юлдузларда йиллик параллакснинг кузатиши, яъни яқинроқ юлдузларнинг узоқдаги юлдузларга нисбатан бир йил давомида кўринма эллипслар чизиш ходисаси бўлди. Бу ходиса 1839 йил Бесесел, Струве томонидан очилди. Йилнинг параллакс ходисаси, асосида бир неча ўнглаб юлдузчаларга масофаларни ўлчашга имкон берди ва натижада юлдузлар биздан турлича масофадалиги маълум бўлди.

Шунингдек кузатишлар ёрдамида бир неча юз миллиардлаб юлдузлар алохида-алохида тўдаларни ташкил қилиши маълум бўлди ва у тўдалар галактикалар деб ном олди. Хозир бизнинг галактикамиздан ташқари юзлаб галактикалар маълум ва улар астрономлар томонидан ўргшанилмоқда. Спектрал анализ ёрдамида, барча юлдузлар, хусусан буни Қуёш хам, галактикамиз маркази атрофида айланиши аниқланди. Маълум бўлишича бизнинг Қуёш бутун планеталари билан галактика маркази атрофида 240 км/сек тезлик билан учмоқда, айланиш даври эса 200млн. Йилни ташкил қиласди.

Ташқи галактикаларнинг структураси ва ўзаро таъсирлашувини ўрганиш, бир неча планеталарни ўзаро боғланишда эканлигини кўрсатди. Галактикаларнинг бундай системаси метагалактика дейилади.

1940 йилда радиоастрономия қисқа вақт ичидаги таълимотни бойитишга катта хисса қўшди.

1950 йилларда юлдузларга ўхшаш обьектларни- квазарларни топилиши. 1967 йилда эса пульсарлар-нейтрон юлдузларнинг очилиши мисол бўлаолади. Метагалактикаларнинг очилиши ва радиоастрономия эришаётган таълимотнинг яна бир талабаси бўлди.

2.2. Галилей олам тузилишининг гелиоцентрик системасига мунасабати

Бизни ўраб турувчи борликда содир бўлаётган ҳодисалардан Галилейнинг энг кўп қизиқтиргани турли хил ҳаракатлар эди. У ўтмишда яшаганлар ҳаракат ҳақида нима ёзган бўлсалар, заррама-зарра тўплади, аммо афсусланиб шундай дейди: ”Табиатда ҳаракатдан қадимгироқ нарса йўқ аммо худди шу ҳақда ёзилганлар жуда кам аҳамиятга эга”

1979 йилнинг ноябрида Ватикан 1633йили инквизиция суди ҳукм қилган Галиейни оқломоқчи бўлди. У вақтда Галилейни “Қуёш Оламнинг маркази, у ҳаракатланмайди, деган тўғрига ўхшаш фикрига ишонгани ва уни ҳимоя қилгани учун..” ”худосизликда кучли гумонсирашган“ эди. Галилейни оқлаш ҳақидаги гап 2 Ватикан соборида(1962-1965) ҳам бўлган эди. Шундай бўлсада, Галилей асарлари(Коперник ва Кеплерларнинг асарлари) билан бир қаторда 1835 йилдаёқ “Тақиқлаган индек” дан чиқарилган эди.

Оlamning гелиоцентрик системаси учун бўлган кескин кураш Галилей оддий йўл билан келмади. Коперникнинг системасига жуда эрта ишониб, анча вақтгача ўзининг бу системани қўллаб-қувватлайдиган далилларни эълон қилишга журъат этмади(бу ҳақда 1597 йили Кеплерга системасига ўхшаш бошқа бошқа Олам ҳақида 1597 йили Кеплерга ёзилган хат гувоҳлик беради). 17 аср Қуёш системасига ўхшаш бошқа олам ҳақида фикр юрутувчи шоир ва файласув жордано Брунони куйдириш билан бошланди. 1610 йили Галилей ўз илмий ижодининг энг юқори чўққисига келди: табиий ҳаракатлар (эркин тушиш ва юқорига отилган жисм ҳаракати)ни йигирма йиллик татбиқи ажойиб яқунланди. У ўзининг буюк кашфиётлари ҳақида китоб бошлайди ва кутилмаганда уни номаълум муддатга кечикирилди. Нима бўлади? Галилейнинг илмий фаолиятида шундай воқеа рўй бердики, бу ишchan Галилейнинг бутун ёшлиги сарфланган кашфиётларини нашр этишни иккинчи планга суришига мажбур этди. Галилей ўзининг Коперник системасини ёқладиган ҳал

қилувчи далиллари бор ва бундай баён унинг ҳаёти ўша ғояларни тарғибот этишга қаратилиши лозим деган қарорга келади.

Галилей биринчи Аристотель таълимотига қарши чиқиб Пизо минорасида ўтказган тажрибаси орқали, хавосиз бўшлиқда хар қандай жисм бир хил тезланиш билан тушишини исбот силди. 1608 йили голландиялик олимлар томонидан кузатув трубкаси ихтиро қилингандигини билиб, ўзи 1609 йили телескоп қурди. Унинг телескопи нарсаларни 30 марта катта қилиб кўрсатар эди. Ушбу телескоп орқали Ойни кузатиб унинг юзи хам ер сирти сингари баланд – пастликлардан иборатлигини айтиб, Коперник таълимотни тасдиқлайди. Ёша пайтларда Коперник таълимоти черков томонидан таъкиб қилингандиги сабабли Галилей хам Коперник таълимотини тарғиб қилишдан кўрқади. 1632 йили “Оlam тузилиши тўғрисида иккита буюк диалог” номли китобини чишаради. Бу китоб аслида Коперник таълимоти тўғрилигини исбот этувчи икки кишининг ўзаро диалоги этиб ёзилган.

Симпличо – Птолемей таълимоти тарафдори.

Сальвити – Коперник таълимоти тарафдори.

Китоб чоп этилгандан сўнг 1633 йили черков Галилейни Римга судга чаширади. Суд уни Коперник таълимоти тарғиботчиси сифатида айблайди. Суд ундан Коперник таълимотидан очиқчасига воз кечишни талаб қиласди. 1638 йили “Икки янги фан хақида сухбат ва математик исбот” китоби чоп этилади. 1642 йили унинг вафотидаги көмиш маросимида иккита назоратчи ўзатнашган.

Галилей ўзининг “Диалог” асарларида гелиоцентрик ғояларни тарғиб қилиб, инквизитция қўлига тушади. 1609 –йили ясаган телескопда осмон

обектларини кузатиб ,Ой тоғлари ва пасттексликларни кашф этию, Ой Ерга ўхшаш оддий бир жисм эканлигини ва улар орасида мавжуд “Ер билан осмонда фарқ “ аслида йўқлигини шкор қиласди..У сомон Йўлини кузатиб ,Аристотел айтгандек ,Ер атмосферасидаги ҳалқа туманлик бўлмай ,ғиж-ғиж юлдузлардан ташкил топганлигини Галилейнинг 1610-йилдаги ,айниқса сермаҳсул бўлди. Олим Юпитер атрофида унинг 4 та йўлдошини топди ,Қуёшда доғларни ва уларнинг Қуёш гардишида силжиши асосида эса Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланишини анқланди .Шунингдек Галилей Венеранинг ,Ойга ўхшаб,турли фазаларда кўринишини кузатиб,бу одиса саййёранинг Қуёш атрофида айланишининг ёрқин далили деб тўғри такидлади.

Галилейнинг бу кашфиётлари, Коперник гелиоцентрик системасининг узил-кесил ғалабаси учун кенг шароит яратади.Бу илгор ғояларни учун Г.Галилей 1933-йил 70 ёшида қамоқقا олиниб ,инквизитция қўлига суд қилиш учун топширилди. Суд Галилейни ўз ғояларидан воз кечиб ,уларни қилиш учун топширилди.Суд Галилейни ўз ғояларидан воз кечиб ,уларни инкор этишга мавжбур этди.Шунга қарамай ,суд унга умрининг охиригача яшаш жойидан ташқарига чиқмаслик тўғрисида қарор қабулиқлди.шундай қилиб, олим умрининг охиригача инквизитция ходимлари томонидан таъқиб остида бўлиб, космологик ғояларнинг тарғиб қилиш имконидан мағрум бўлди

2.3 Кеплер олам тузилиши ҳақидағи қарашлари гелиоцентрик тизимнинг қарор топиши

Менинг фикрлари осмонга тегишли

Иоган Кеплер

Николай Коперник асос солған астрономик кузатувлар услуби ва астрономик жадвалларнинг Птоломей замонидан бери, яъни деярли икки минг йил давомида қўлланилган жадваллардан сифат ва аниқлик бобида анча устун бўлгани ҳақида юқорида таъкидлаган едик. Коперникнинг вафотидан кейин, бутун Йевропа бўйлаб унинг жадваллари кенг тарқалди ва барча астроном олимлар Коперник усули ва жадваллари асосида иш юрита бошладилар. Бироқ, тез орада Коперник жадвалларининг ҳам, осмон жисмлари айниқса, сайёralарнинг амалий кузатув натижаларидан фарқ қилаётганлигини сезиб қолишиди.

Илғор фикрли олимлар учун Коперник таълимотининг мутлақо тўғри еканлиги кундек равshan еди. Бироқ сайёrlар харакати қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқ қилиш зарур бўлиб, бу борада Коперник таълимотида мавҳум қолиб кетган саволлар анчагина бўлган.

Сайёralар харакати қонуниятларини жиддий ўрганишга киришган ва уларни ўрта асрлар учун ўта аниқликда ҳисоблай олган биринчи олим – Олмониялик Иоганн Кеплер бўлди.

Иоганн Кеплер 1571 йилнинг 27 декабрида Штутгарт яқинидаги кичик Вейле шаҳарчасида туғилди. Оиласининг моддий аҳволи сабабли Кеплер бошланғич мактабни аранг тугаллаган. Бироқ барибир фанларни яхши ўзлаштиришга еришган. У 1589 йилда Тюбинген университетига ўқишига кириб, у йерда математика ва астрономия бўйича жиддий шуғулланади ва чуқур таълим олади. Коперник таълимотининг черков томонидан таъқибга олинганлиги сабабидан, университетда астрономия Птоломей таълимоти

бўйича ўқитилар еди. Бироқ Кеплернинг устози Местлин, ич-ичидан Коперник таълимотининг ҳақ еканлигига ишонарди ва истеъоддли талабаларга, шу жумладан Иоганн Кеплерга ҳам, машғулотдан алоҳида равишда, асосан ўз уйидаги сұхбатлар уюштириб, Коперник таълимоти ва унинг назарий асослари ҳақида дебатлар уюштиради. Местлин шахсий сабабларига кўра, Коперник таълимоти тарафдори еканлигини сир тутишга мажбур бўлган, бироқ, ундан фарқли равишда талаба Кеплер, Коперник таълимотига бўлган ишончи ва қарашларини маҳфий тутиб ўтирган. У очик ойдин равишда Коперник таълимотини маъқуллай бошлади ва аниқ далил ва исботлар воситасида илмий асослаб берди. Бу еса, маҳаллий насроний руҳонийларининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Уни, ҳали дипломга ега бўлмаган, талаба бўлишига қарамай, университет маъмурияти, вазиятни чигаллаштирмаслик мақсадида, Австрияning Штирия ўлкаси пойтахти Грац шаҳридаги протестант билим юртига математика ўқитувчиси қилиб юборади. Кеплер 1596 йилдаёқ, ўзининг «Космографик сир» номли рисоласида Коперник таълимотини мутлақо ёқлаб чиқиб, сайёralар тизимида Қуёшнинг марказий ўрин тутиши ҳақидаги ғояни ва сайёralар бир-бирига нисбатан жойлашуви ва масофаси қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қилиб кўради. «Космографик сир» илмий жиҳатдан асосланмаган, шунчаки муаллифнинг воқеликка муносабати шаклидаги нашр бўлса-да, у Кеплерга машҳурлик келтирди. У бутун Йевропа астрономлари орасида турли шовшувли мунозараларга сабаб бўлди. ўша даврнинг енг кўзга кўринган олимларидан бири, Даниялик йирик астроном-кузатувчи Тихо Браге, Коперник таълимотининг ўзига нисбатан еътиборсиз ва ишончсиз муносабатда бўлган бўлса ҳамки, у ёш Кеплернинг мантиқий фикрлашига ва у томонидан бажарилган ҳисоб китобларнинг ўта аниқлигига, астрономия ва унинг сир-асрорларини ўрганишга бўлган санъат даражасидаги қобилиятига муносиб баҳо берди. Тихо Брагенинг ўзи Кеплер билан шахсан учрашиш иштиёқини билдириди. Ўрта асрлар астрономия фанинг даҳолари саналган бу

икки олимнинг учрашуви, илм-фаннынг кейинги тараққиёти учун фавқулодда аҳамият касб етган муҳим ҳодиса бўлган десак муболаға бўлмайди.

1600 йилда Кеплер ва Тихо Браге, Прага шаҳрида илк марта шахсан кўришиб, илмий мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Тихо Браге, Иоганн Кеплерга астрономик ҳисоб-китоблар ва коинотни қузатиш ишларига кўмаклашиш учун ўзининг ёрдамчиси сифатида ишлашни таклиф қилди. Бир оз муддат аввал, Дания қироли Браге ва унинг расадхонаси учун моддий таъминотни тўхтатиб қўйган бўлиб, мазкур сабабдан олим Копенгагенни тарқ етиб, Прагага кўчиб ўтишга мажбур бўлган еди. Брагенинг Копенгагендаги расадхонасида ўз даврининг енг илғор қузатув ва ўлчов асбоблари мавжуд бўлиб, Тихо Браге улардан санъат даражасида фойдаланаар еди. Браге, юқорида айтиб ўтганимиздек, Коперник таълимотига нисбатан катта қизиқиши билан муносабатда бўлган бўлса ҳам, бироқ унинг тарафдори бўлмаган. У олам тузилиши ҳақидаги ўзининг қуидагича тушунтиришини илгари сурар еди: «Сайёralар Қуёшнинг табиий йўлдошлари, Қуёш, Ой ва юлдузлар еса, Йер атрофида айланади». Бундай тушунча амалда Птоломей таълимотига мансуб бўлиб, Коперник ғояларини инкор етарди. Чунки унга кўра яна Йер олам марказига, Қуёш еса унинг атрофида айланувчи осмон жисмига айланиб қолмоқда.

Кеплер ва Браге бу масалада ҳамфикр бўлишмаса-да, бироқ барибир ҳамкорликда ишлашни бошлаб юборишиди. Бироқ бу жараён жуда қисқа давом етиб, 1601 йилда Тихо Брагенинг вафот етиши сабабидан узилиб қолди. Брагенинг вафотидан кейин, Кеплер унинг барча қўлёзма ва узок ийллик қузатув қайдларини жиддий ўрганишга киришиди. Уларни пухта ўрганиб чиқиб, айниқса Марс сайёрасининг ҳаракат қонуниятларини текшириш асносида Кеплер ажойиб илмий кашфиётни фаҳмлаб қолди. Кеплернинг мазкур кашфиёти, сайёralарнинг ҳаракат қонуниятларини ифодалаб, бутун бошли астрономия фанининг енг асосий, фундаментал қонуниятларидан бирига айланди.

Астрономия фанида, қадимги юонон файласуф ва олимларидан қолган бир таълимот мавжуд еди: «Айлана – енг мукаммал геометрик шакл. Шундай екан, сайёralар ҳам, фақат мукаммал шакл - айлана бўйлаб ҳаракатланиши керак». Кеплер еса, фанда ҳукм суреб келаётган бундай тушунчанинг нотўгри еканлиги ҳақида фикрлай бошлади. Унинг ҳисоблашларига таянилса, сайёralар ҳаракати трайекторияси мукаммал айлана емас, балки ундан анчайин фарқ қилувчи бошқа бир айланасимон шакл – еллипсни намоён қиласар еди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иоганн Кеплер мазкур ҳисоблашлари бажаришда, нафақат астрономия, балки математика учун ҳам ғоят муҳим амалий ҳисса қўшди. Сайёра ҳаракати қонуниятларини тадқиқ қиласар екан, у ўз замонаси математикаси усуллари билан йечилиши имконсиз бўлган масала устидан чиқиб қолди. Муаммо ексцентик айлананинг сектори юзасини ҳисоблаш борасида еди. Агар бу масалани замонавий математика тилига ўгирсак, еллиптик интегрални йечиш мавзусига чиқиб келамиз. Кеплер ҳисоблашлардаги қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймади. У чексиз катта сонлар ва чексиз кичик қийматларни умумлаштириш усули билан, ўз мақсадига еришди. Кеплер илк марта фойдаланган ушбу усул, математика тарихида илгари ташланган ўзига хос қадам бўлиб, математик анализнинг ибтидосида муҳим ўрин тутди.

Кеплернинг ўзининг биринчи қонуни шундай тахмин билдиради: «Қуёш еллипснинг марказида емас, балки, фокус деб номланадиган маҳсус нуқтада туради. Бундан келиб чиқадики, сайёralарнинг Қуёшгача бўлган масофаси доим ҳам бир хил бўлмайди». Кеплер шунингдек, сайёранинг Қуёш атрофида айланиш тезлиги ҳам доимо бир хил бўлмаслигини аниклади: «Қуёшга яқинлашиши билан, сайёра тезроқ ҳаракатлана бошлайди, ундан узоқлашган сайин, секинроқ ҳаракатланади». Сайёralар ҳаракатининг ушбу ўзига хослиги Кеплернинг иккинчи қонунини ифодалайди.

Иоганн Кеплернинг юқоридаги икки қонуни, 1609 йилдан, унинг «Янги астрономия» номли машҳур илмий иши нашр етилганидан бошлаб, илм-фан

хазинасининг нодир жавоҳирларидан бирига айланди. Бироқ ўша вақтнинг ўзида, шундай қизиқарли ва ажойиб илмий ишга муносиб еътибор қаратилиши мушкул бўлган: ҳатто машҳур даҳо олим Галилео Галилей ҳам, ўзининг сўнгти кунларигача Кеплер қонунларига беписанд муносабатда бўлган.

1615 йилга келиб, Кеплер ўзининг ҳажман кичик, лекин мазмунан катта бўлган машҳур асари – «Вино бочкаларининг янги стерометрияси»ни чоп еттирди. Унда Кеплер, айланасимон шаклга ега бўлган 90 хилга яқин мураккаб шаклдаги бочка ва идишларнинг ҳажмини ҳисоблаш учун, интеграллаш усулларини баён қилди. Ўша асарда фавқулодда мураккаб масалалар ҳам кўрилган бўлиб, улар ҳам чексиз камаювчилар математикасининг бошқа бир бўлими – дифференсиал ҳисоблашлар ривожига катта ҳисса бўлди қўшилди. Шунингдек, Коперник таълимоти асосида, сайёralаринг ҳаракат жадвалларининг тузиш жараёнида олиб борилган астрономик ҳисоб-китоблар, Кеплерни логарифмлар назарияси ва амалий йечимлари муаммолари сари йетаклаб келди. Непер ишларидан илҳомланган Кеплер, мустақил равишда логарифмлар назариясини келтириб чиқарди ва улар асосида Непер жадвалларидан ҳам аниқроқ логарифмик жадваллар ишлаб чиқди. Кеплернинг логарифмик жадваллари 1624 йилда илк марта нашр етилган ва 1700 йили қайта нашрдан чиқкан. Кеплер астрономик ҳисоблашлар учун ҳам логарифмлар жадвалини тадбиқ қилишда биринчи бўлган. Бундай усулда ҳисоблаб чиқилган сайёralар ҳаракати жадваллари («Рудолф жадваллари») фақат унинг ўзи ишлаб чиқкан логарифмлар усули туфайли дунё юзини кўрган еди. 1604 йилда нашр етилган яна бир илмий иши – «Вителлийга тўлдириш, ёхуд, астрономиянинг оптика қисми» номли китобида, конус кесимлари ва парабола, гипербола ва еллипснинг хоссалари бўйича бир неча йечимларни келтириб чиқарган еди. Бу асар ҳам математиканинг яна бир муҳим йўналиши – лойиҳалаш геометриясининг пайдо бўлишига катта туртки бўлган.

Кеплернинг бутун умри Коперник таълимоти учун очик кураш асносида ўтган. 1617 – 1621 йилларда, ўттиз йиллик урушнинг енг авжига чиқсан, Коперник таълимоти ва асарлари Ватиканнинг таъқиқланган китоблар қора рўйхатига тушган қийинчилик даврларида, Кеплер ҳар бири тахминан 1000 саҳифадан иборат бўлган «Коперник астрономияси ҳақида тафсилотлар» номли, уч нашрдан иборат китобини чоп еттирди. Китобнинг номи унинг мазмунига унчалик ҳам мувофиқ келмайди. «Коперник астрономияси ҳақида тафсилотлар»да Куёш Коперник таълимотидаги ўрин тутади, бироқ, Ой ва сайёralар Кеплернинг ўзи очган қонуниятлар бўйича ҳаракатланиши тасдиқланади. Амалда бу китоб, астрономиянинг янги ерасини бошлаб берган ўзига хос ўкув қўлланмаси еди. У черков ва Коперникнинг инқилобий таълимоти орасидаги ўртасидаги аёвсиз ғоявий курашнинг енг авжига чиқсан мураккаб даврда, асли фикратида коперникчи бўлган олим, Кеплердек истеъодли астрономнинг устози Местлин ўзининг илмий тушунчаларига ва қарашларига қарши бориб, Птоломей таълимотига асосланган ўкув дарслиги нашр еттирган мураккаб даврда чоп қилинди.

Айнан шу йилларда Кеплер «Оlam мувозанати» номлиkitobini ҳам нашр еттиради. Унда Кеплер сайёralар ҳаракатига оид ўзининг учинчи қонунини ифодалаб, изоҳлаб берган. Кеплернинг бу асарида, сайёralарнинг Куёшгача бўлган масофаси ва уларнинг айланиш муддати ўртасидаги мукаммал боғлиқлик мавжуд еканлигини баён қилди. Маълум бўлишича, ҳар қандай иккита сайёrанинг айланиш муддатларининг квадратларининг ўзаро нисбати, уларнинг Куёшгача бўлган ўртacha масофасининг кубларининг нисбати каби бўлар екан. Бу мулоҳаза Кеплернинг учинчи қонунини ифодалайди.

Кўп йиллар давомида Кеплер ўзи кашф етган ҳаракат қонуниятларига асосланган сайёralар ҳаракати жадваллари тузиш устида иш олиб борди. У 1627 йилга келиб «Рудолф жадваллари» номли, сайёralарнинг ҳаракатлари жадвалларини чоп еттирди. Мазкур жадваллар кейинги асрларда

ҳам астрономларнинг иш столидан доимий ўрин олган муҳим илмий манбага айланди. Кеплернинг бошқа фанлар, хусусан оптика учун қўшган хоссасини ҳам муносиб баҳолаш даркор. Масалан унинг ишлаб чиқсан оптик рефрактор схемаси, 1640 йилдаёқ астрономик кузатишлар уч енг асосий назорат-ўлчов асбобига айланди.

Кеплер астрономиянинг фақат сайёralар ҳаракати қонуниятларини ўрганиш қисми билан чекланиб қолмасдан, фаннинг бошқа муаммолари билан ҳам жиддий шуғулланишга ҳаракат қилган. Унинг алоҳида еътибори айниқса кометаларга қаратилган еди. У комета думининг Қуёшга нисбатан доимо тескари бўлишини еътиборга олиб, унинг (яъни комета думининг) доимо Қуёш ва унинг гравитацияси таъсиридагина пайдо бўлиши ҳақида фаразни илгари сурди. Ўша даврда ҳали Қуёш нурланиши ҳамда, комета тузилиши ҳақида фанда ҳеч қандай маълумот мавжуд емас еди. Фақатгина XIX асрнинг охири ва XX асрдаги изланишлар натижасида, кометанинг думи, Қуёшнинг нурланиш ва гравитацион таъсири туфайли пайдо бўлиши тасдиқланди.

Кеплернинг илмий ишлари фанга осмон механикасининг моҳиятини англашда ҳамда, Коперник таълимотининг ҳақ еканлигини исботлашда муҳим аҳамият касб етган долзарб хulosаларни тақдим қилди. Улар орқали кейинги замон олимларининг буюк кашфиётлари, хусусан Нютоннинг бутун олам тортишиш қонуни очилиш учун пойдевор ўрнатилган еди. Кеплер қонунлари, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Улардан фойдаланиб, бизнинг замон олимлари, нафақат табиий осмон жисмларининг ҳаракат қонуниятларининг ҳисоб-китоблари, балки, фазовий аппаратлар, космик кемаларнинг ҳам очиқ коинотдаги ҳолатини белгилаб берувчи ўта муҳим натижаларни аниқламоқдалар.

Иоганн Кеплер очган сайёralарнинг ҳаракат қонунлари, олимдан узок йиллик машаққатли ва қалтис иш жараёнларини олиб боришни тақозо етди. Кеплернинг ўзини ҳам, аввал Коперник таълимоти тарафдори бўлгани

сабабли, қолаверса, ўзи ҳам янгича жадваллар, қўлланмалар тузоётганлиги учун черковнинг ашаддий бидъатчилари билан тинимсиз курашишга тўғри келди. Аввалига уни ўзи еътиқод қилган католик черковидан ҳайдаб юборишиди, кейин еса лютеранлар ҳам олимга шундай аёвсиз муносабат билдиришиди. Натижада олим ҳёти давомида қўп марта шаҳарма-шаҳар кўчиб юришга мажбур бўлди. Прага, Линц, Улм, Саган – бу Кеплер яшаб ижод етган шаҳарларнинг тўлиқ рўйхати ёмас...

Иоганн Кеплер қанчалик еътиборли ва нуфузли олим бўлмаси, унга нисбатан император ғазнасидан белгиланган маош доимий узилишлар билан, узоқ муддат тўланмасдан қолиб кетарди. Натижада олим қўпинча молиявий тангликка тушиб қолар ва асосан ғазнадан ўз маошини талаб қилиш учун Регенсбургга қатнаб, ҳеч бўлмагандан унинг маълум бир оз миқдордаги қисмини бўлса ҳам олишга уринарди. Шундай қатновларнинг бирида, 1630 йилнинг 30 ноябр куни йўлда Иоганн Кеплер вафот етади...

Иоганн Кеплернинг илмий фаолияти ва бекиёс илмий изланишлари туфайли, бутун инсоният, яъни, сиз ва бизнинг осмон жисмлари ҳаракати ва Қуёш тизими тузилиши ҳақидаги тасаввурларимиз мутлақо янги босқичга кўтарилди. Астрономлар уни беъжизга «Осмон қонунчиси» деб аташмайди, зоро айнан у Қуёш тизимидағи осмон жисмларининг ҳаракат қонунларини биринчи бўлиб аниқлади ва фанга мукаммал равишда баён қилди.

З-БОБ ОЛАМНИНГ ГЕЛИОЦЕНТРИК СИСТЕМАСИНИ АЛ ВА КХК ЛАРДА ЎРГАНИШ ВА У ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.

Гуманитар профилли академик-лицейлар ва касб-хунар колледжлари учун тасдиқланган ўқув режасига кўра, унинг охирги учинчи йилида 40 соат ажратилган. Ушбу ўқув режасига биноан тайёрланган

"Астрономия" курсини ўқув дастури, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими Маркази томонидан тасдиқланиб, тажриба-синов учун мазкур ўқув юртларига тарқатилди. Мазкур мақола, гуманитар профилли академик лицейларда астрономия курсини айнан шу дастур бўйича қандай қилиб ўқитишнинг умумий масалалари юзасидан ўқитувчиларга методик тавсиялар ва йўлланма беришни мақсад қиласди. Бунинг учун, дастлаб, мазкур гуманитар академик-лицейларда астрономия курсининг мақсад ва вазифалари устида бироз тўхташ ўринли бўлади.

Бундай ўқув муассасаларида астрономия курсини ўқитиш, ўқувчиларда барча кузатиладиган *астрономик ҳодисалар ҳақида илмий тасаввурларни шакллантиришини*, ҳамда уларда *астрономик ҳодисалар дунёсига бўлган қизиқишиларни ривожлантиришини* мақсад қиласди.

Шунингдек, мазкур курс, ўқувчиларни оламни билиш қобилиятларини ўстиришни, тафаккурларини ривожлантиришни, инсоннинг кундалик фаолиятида астрономия фанининг амалий ахамиятини, хусусан унинг дунёқарашига ижобий таъсирини ҳис этиш руҳида тарбиялашни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Академик лицейлар учун "Астрономия" курси қадим халқлар, жумладан, Шарқ халқлари ҳаётида астрономиянинг амалий ахамияти (вақтни ўлчаш, жойнинг географик ўрнини аниqlаш, уфқ томонларини топиш ва ҳакозо), ҳамда Олам тузилиши ва унда планетамиз Ернинг ўрни тўғрисидаги хозирги замон тасаввурларини бой тарихий материаллар асосида ўқувчиларга етказишни ривожлантиради. Бунда назарий ва амалий машғулотларнинг мазмуни, ўқитувчи томонидан *гуманитар гоялар*

билан бойитилган ҳолда ташкил этилиши, муҳим дидактик талаблардан хисобланади.

Гуманитар профилли лицейларда табиий фанларни, жумладан, астрономияни ўқитишида, ўқитувчи қуийда келтирилган бир нечта принципларга_ риоя қилиш талаб этилади:

-курснинг баёнида, унинг унинг инсонпарварлик ва дунёқараш аспектлариға алоҳида ургу бериш;

-синфдаги ва синфдан ташқари машғулотлар ўқувчилар билимини мустахкамлаш мақсадида тавсия этиладиган барча мисол ва масалалар-нисбатан енгил машқлар ва сифат масалалари билан чекланиши;

-ўқув материалининг баёни, узундан-узоқ муроҳазалардан, мураккаб математик хисоблашлар ва формулалардан холи бўлиши;

-дарс жараёнида ўқитувчи, кўрсатма материаллар, тарихий хужжатлардан кенг фойдаланиш;

-астрономия асосларини ўрганишида, бадиий ва илмий-фантастик асарларнинг астрономик мазмунига тез-тез мурожаат этиш;

- астрономик мазмундаги қизиқарли саволлардан (викторина, бошқотирма ва бошқалар) дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда кенг фойдаланиш.

Ўқитишида тарихийлик принципини амалга оширишда Ўрта аср Шарқ алломалари, жумладан Марказий Осиё олимларининг хаёти ва илмий ижодига оид махаллий материалларнинг ўқитиш мазмунидан кенг ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим.

Гуманитар лицейларда астрономия курси мазмунини баён қилишини кенг кўрсатмалилик (*плакат, схема, жадваллар, моделлар*) асосида ташкил этиш, ўқувчилар томонидан уни ўзлаштирилишини енгиллаштириб, кўпчилик фазовий ва абстракт тушунчаларни тасаввур ва идрок этишга, кўз олдига келтиришга катта ёрдам беради. Айниқса, дарс жараёнида экран кўлланмаларидан (*диапозитив, диафильм, кинолавхалар ва фотографиялар*)

кенг фойдаланиш, лицей талабалари учун жуда қўл келади. Астрономик таълим мазмунининг ўқувчилар учун тушунарлилигини таъминлашда дарс баёнида *аналогия, образлилик ва фикрий экспримент каби методларга* катта эътибор қаратиш талаб этилади.

Масалан, осмон сферасининг асосий нуқта, чизиқ ва айланалари хамда осмон координаталар системалари билан ўқувчиларни таништиришда, география курсида ўрганилган Ернинг шартли равишида қабул қилинган, асосий чизиқ ва айланаларини (экватор, параллеллар, Ер ўқи ва қутблари, меридианлар ва хакозо) эслаш ва ўхшатиш яхши самара беради.

Осмон жисмларигача масофаларни ўлчаш хақида гап кетганда эса, бу метод, аслида геометрия курсида ўрганилган-бориб бўлмайдиган ердаги (дарёнинг нариги қиргогидаги) нуқтагача масфани ўлчаш усулининг ўзгинаси эканлиги, ўқувчиларга чизмада осонгина тушунтирилади (фарқи-осмон жисмларигача масофани ўлчашда “базис” сифатида Ер диаметри олинади холос).

Гуманитар йўналишдаги академик лицейларда *астрономик кузатии машгулотлари самарали ташкил этиши, ўқитиши жараёнида мақсадга эришиш энг муҳим омиллардан саналади*. Курснинг ўкув дастурида синфдан ташқари астрономик кузатишлар учун 6 соат ажратилган бўлиб, шундан 2 соати қундузги Қуёш ва ундаги обьектларни (машъаллар, Қуёш доғлари) кузатиш учун, 4 соати эса тунги кузатишларга багишлиланган.

Гуманитар профилли академик лицейларда *дарснинг турли формаларидан, жумладан ноанъанавий дарслардан кенг фойдаланиш, ўқувчиларнинг активлигини ошириб, фан асосларини ўзлаштирилишини енгиллаштиради*.

Ва ниҳоят, гуманитар профилли лицейларда астрономия ўқитишининг бошқа муҳим бир хусусияти шундаки, уларда астрономия асослари мазкур лицей талабалари чуқур ўрганадиган фанларнинг (она тили ва адабиёт, тарих, хуқуқшунослик, география, иқтисод, ёхуд жисмоний тарбия ва спорт)

асосларига боғлиқ холда ташкил этилса, ижобий натижалар беради. Хусусан, тарих ва хуқуқшунослик йўналишдаги лицейларда, астрономик билимлар, ўтмиш халқлар маданиятининг ажралмас қисми сифатида қаралиб, унда астрономия фанининг тутган ўрни ва ахамияти хақидаги материалларга тез-тез мурожаат қилинади. Ўтмиш тарих билан бевосита боғлиқ “Вақт ва календарь” мавзусининг бевосита баёни, ўрта аср буюк файласуф ва астрономларимиз (Фаробий, ибн Сино, Беруний ва Улуғбеклар) нинг илгор фикрлари, Умар Хайём ва Фарғонийларнинг тақвимлар тузиш бобидаги улкан хизматларидан лавҳалар кўринишида, *предметлараро алоқа тамойили асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.*

Энди гуманитар лицей талабаларининг астрономиядан эришган билимлари қандай баҳолаш керак деган масалага келсак, бизнингча мазкур предметнинг тўла мазмуни ва ўқувчиларнинг эришган малака ва кўникмалари бўйича уларни имтиҳон қилиш жуда тўғри бўлмайди. Улар эришган билим, малака ва кўникмаларини “қониқарли”, ”қониқарсиз” шаклдаги баҳолар билан якунланадиган синов кўринишида, сухбат тариқасида уюштириш ўринли бўлади. Чунки астрономия, улар эгаллашлари лозим бўлган касбий йўналишлари учун иккинчи даражали ўқув предмети бўлиб, уни ўзлаштириш йўлида қўйилган ортиқча талаблар, ўқувчиларда мазкур фан асосларига қизиқишлигининг шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир қилиши билан ўринли бўлмайди.

3.1 Осмон механикаси элементлари бўйича компьютер асосида ўтказиладиган амалий машғулотлар

Табий фанларни ўқитишида компьютер технологиясидан фойдаланиш, бу фанларни ўзлаштиришда, айни куннинг энг самарали воситаларидан бўлиб қолмоқда. Айниқса бевосита эксперимент ёрдамида намойиш этишнинг иложи бўлмаган (микро ҳодисалар, макро масштабдаги секин кечадиган ва бошқа шу каби) ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда бундай ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларнинг моҳиятларини ўрганишда жуда қўл келмоқда.

Астрономия курсида ҳам бундай ҳодиса талай бўлиб, уларни компьютер технологияси асосида ташкил этиш самарали натижалар бермоқда. Хусусан ўқув дастури томонидан тасия этиладиган кузатиш дарсларини мунтазам ташкил этишнинг мураккаблиги, улардан амалий мақсадда кенг фойдаланишда маълум қийинчиликлар туғдиради. Юлдузлар осмонининг суткалик айланиши ҳақида аниқ бир фикрга келиш учун ўқувчилар атига 30-40 минутлик кузатишларгагина таянади. Бунга кеч куз ва қишининг аёзли тунлари, об-ҳаво шароити ҳар доим ҳам кенг имкон яратмайди.

Планеталарнинг ҳаракати, траекториялари, сиртмоқсимон шакли, тезлиги орбита текислигининг осмон экваторига оғвалиги ва шу каби кўп бошқа маълумотларни эса, ўқувчилар бевосита кузатиш орқали аниқлаш, билан имкониятига эга бўлмай, уларни фақат дарслик материалларидангина билиб оладилар. Айрим мустақил кузатиш имконига эга бўлган ўқувчиларни эътиборга олмаганда, албатта.

Қуйидаги осмон механикаси ва амалий астрономия элементларига оид ўқув материалларини компьютер технологияси асосида ўрганиш назарий билимларни шундай усул билан мустаҳкамлашга оид биринчи амалий машғулотлар билан танишамиз. Бундай ишларни бажаришда бевосита (коммерциясия) фойдаланиш учун рухсат этилган “Sky Globe 3.6” компьютер

дастуридан фойдаланиш. Уни интернет тармоғидан топиб олиб, компьютерга ёзиб олиш ортиқча қийинчилик туғдирмайды, унинг адреси WWW.physics.edu/100_ionline/_skeglobe/skygeb2.html ёки калитли сўз бўйича “Sky Globe 3.6”. Ушбу дастурнинг ҳажми унча катта бўлмай (435 кБ) оддий дискетга ёзиб олиб тарқатиш имконини беради.

Дастурлар у билан ишлаш тартиби, ундан фойдаланиш хусусиятларини баён қилган матнли файллар билан жихозланган. Амалий машғулотларни бошлишдан олдин ўқитувчининг улар билан танишиши тавсия этилади

Дастур билан ишлаш мураккаб бўлмай, аксинча мароқли. У дарс жараёнида намойишлар (демонстрациялар) учун жуда қўл келади, шунингдек астрономик календарлар бўлмагандан ҳолда ҳам кузатишларни ташкил этиш имконини беради.

Биз қуида компьютер технологияси асосида амалий астрономия ва осмон механикаси элементлари мазмунидаги келтирилган учта иш билан танишамиз. Бу ишларнинг биринчиси астрономик кузатишларни амалда қўллаш орқали маълум жойнинг географик кенгламасини аниқлашга бағищланган. Имкон бўлса бундай машғулотларни икки босқичда олиб борган маъқул: дастлаб ўқувчиларни дастур билан таниширилади, сўнгра маълум вақтдан сўнг ишни бажариш далолатномасини тайёрлаб, ишнинг асосий қисми бажарилади. Имкон чегараланганда ишни бир босқичда ҳам бажарса бўлади. Бунда уни бажариш учун тахминан икки соат вақт керак бўлади (иш нарсаларини далолатномаси билан якунлаш ҳам унинг таркибий қисми ҳисобланади).

Яна бир неча сўз билан ишни бошлишга тайёргарлик устида тўхтайлик: ишнинг баённомасида дастурга кириш, параметрлари билан берилган зарурий файлнинг номидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Бундай файлни ўқувчининг ўзи тайёрлаши лозим, чунки агар дастурга *Skyglobe.exe* ёрдамида кирилса, у ҳолда ундан фойдаланувчи тўғридан-тўғри Калифорниянинг юлдузлар осмони манзарасига дуч

келади. Шунинг учун дастурдаги бу жойни бевосита кузатиш жойига (Москва, Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд ёки бошқа шаҳар) ўзгартириш керак бўлади. Бу ишни қандай бажариш дастурда келтирилган биринчи ишда ёритилган. Шундан сўнг 1 рақами кўрсатилган тугмачани босиш керак. Энди иш баённомасида келтирилган йўл билан дастурга кириб олган ўқувчилар айнан шу шаҳар юлдузлар осмони манзарасига дуч келадилар.

Дастурда келтирилган иккинчи ишни бажариш учун, аниқ бир кунни (датани), (масалан 28-июнь 2005 й) танлаш зарур бўлиб, у бирданига иккита қизиқ ҳодисани ўз ичига олган вақт даврини бошланишини кўрсатади. Булардан бири-Марснинг сиртмоқсимон ҳаракатининг даври, иккинчиси эса, қисман Қуёш тутилиши.

Датани ўрнатиш учун ишлар келтирилган иловалар баённомасида келтирилган йўл-йўриклардан фойдаланмок ёки “Enter” тугмачасини босиб, керакли датани териш зарур бўлади. Шундан сўнг планета кўрингунча манзарани силжитиб, “ёрдам” (F1) ўтиш ва 2 рақамли тугмани босиш керак бўлади. Энди ўқувчилар, файл номи ва 2 параметрдан фойдаланиб бирданига ушбу манзарага кириш мумкин.

Кўйида амалий машғулотларнинг баённомалари билан танишамиз.

1-иш. Юлдузлар осмонининг ҳаракати, горизонтал ва экваториал координаталар билан танишиш. Жойнинг кенгламасини аниқлаш.
(*Skyglobe.exe* дастури ёрдамида бажарилади).

Ишнинг мақсади: Турли вақт оралиқларида юлдузлар осмонини кузатиш, экваториал ва горизонтал координаталардан фойдаланишни ўрганиш, астрономик кузатишлар асосида жойнинг кенгламасини аниқлашни ўрганиш.

I. Кириш қисми.

Эслатма:

- Дастурга кириш учун, “*Skyglobe1*” ва “Enter” ни теринг. Ихтиёрий тугмачани босинг.

- Ишнинг навбатдаги пунктини бажариш учун, уни охиригача ўқиб чиқинг.
- Сиз дастурда қандай амални бажарманг, кетма-кет “I” ва икки қайта “R” тугмачамларини босиш орқали сиз ҳар доим амалларнинг бошига қайтиб келишингиз мумкин. Шундан сўнг сиз яна қайтадан ишни бажаришга киришишингиз мумкин.

1. Топширик. Дастур билан танишиши.

Дастур вақт, реал вақтга мос келишини таъминлаш учун икки марта устма-уст “R” тугмани босинг. Энди дисплейга қаранг. Экранда яхши кузатиш шароитларида қуролланмаган кўз билан кўриш мумкин бўлган, кўринма юлдуз катталиклари 5,5 катталикгача бўлган юлдузлар кўринади. Энг ёруғ юлдузларнинг ёнида уларнинг лотинча номлари келтирилган. Яшил чизиқ горизонтни, унинг ёнида ёзилган ҳарфлар-горизант томонларини яъни N-шимолни, S-жанубни, E-шарқни, W-ғарбни, NW-шимолий ғарбни ва ҳоказоларни билдиради. Яшил чизиқ остидаги ҳамма объектлар горизонт остидаги объектлар бўлиб, улар осмонда кўринмайдилар. Хаворанг чизиқлар экваториал координаталар сеткасини тасвиirlаб мазкур сетка чизиқлари яқинида Қутб юлзузи ётган Олам қутбida туташадилар.

Чап томонда тепада кузатиш шартлари, кузатиш вақти, санаси, ойи ва йили, жойнинг номи ва кенгламаси, экранни катталаштириш, юлдузнинг максимал катталиги ва бошқалар келтирилган.

2. Топширик. Юлдуз туркумларини топииш.

Алоҳида олинган юлдузнинг ҳолати бўйича маълумот олиш учун сиз “C” тугмачадан фойдаланишинигиз мумкин. Бу тугмача бир маротаба бослганда сиз дисплейда Катта Айик, Кассанея ва Пегас юлдуз туркумларини кўрасиз. Бу тугмача қайта босилганда эса юлдузларни туташтирувчи чизиқлар сони ортиб, Кичик Айик ва бошқа юлдуз туркумларининг тасвиirlари намоён бўлади. Сиз “C” тугмачани босиб, ўзингизга таниш бўлган юлдуз туркумларини қидириб

топишингиз ва охирида барча туташтирувчи чизиқларни ўчириш учун “F10” тугмачани босишингиз кифоя “F9” тугмача юлдуз туркумларининг номларини уч ҳарфдан иборат халқаро белгиларини ўчиб, ёкиш учун ишлатилади. Айрим равshan юлдузлардан ташкил топган осмоннинг шимолий ярим шарига тегишли бўлган юлдуз туркумларининг бундай белгиларининг таржималари ушбу боб охирида келтирилган жадвалларда ўз аксини топган.

3. Топшириқ. Кузатиш йўналишини ўзгартириш.

Сиз бу ишни оддий юлдузлар осмонини кузатиш пайтидаги ўхшаш ҳолда амалга оширишингиз мумкин. Бу ишда сизга ушбу: “↑”, “↓”, “←”, “→” йўналиши тугмачалар ёрдам беради. Осмоннинг томонларини кузатиш учун “N” (шимол томони юлдуз туркумларини кузатиш учун), “S”(жануб томонини кўриш учун), “E”, “W” (шарқ ва гарб томонларини кузатиш учун) тугмачалар босилади.

4. Топшириқ. Юлдузлар осмонининг суткалик кўринма ҳаракатларини кузатиш. Юлдузлар осмонининг суткалик кўринма ҳаракатларини кузатиш икки хил усул билан амалга оширилади:

- “A” тугмасини боссангиз (Юлдузлар осмонининг тасвири ҳаракатга келади), сиз юлдузлар осмонини 5 минутлик интервал билан кузатасиз. Ушбу иш режимини тўхтатиш учун “A” тугмачани қайта босиш керак.
- Кетма-кет “Пробель”, “H” тугмасини босиш орқали сиз юлдузлар осмони айланишини 1 соатлик интервал билан кузатасиз. Бу режим “Пробель” тугмасини қайта босиш йўли билан тўхтатилади.

5. Топшириқ: Горизонтал ва экваториал координаталар.

Дисплейнинг чап томонининг пастки бурчагида курсорнинг координаталари ёзилган (экранда қизил кристик). Координаталар қуйидаги кўриниш олган.

$Alt = 44,9^{\circ}$ горизонтдан тепада бурчак баландлик h $A = 180,6^{\circ}$ N нүктадан бошлаб ҳисобланадиган Азимут	Горизонтал координаталар
$R_A = 02h21'$, Түғри чиқиши α соатларда ва минутларда $Dtc = 10^{\circ}44'$ оғиши δ	Экваториал координаталар

Ёриткичнинг кўринма ҳолати ҳар иккала горизонтал координаталар ёрдамида аниқланади: баландлик $h(Alt)$ - горизонтдан бурчак узунлиги, (ёриткичнинг вертикал ярим айланаси бўйлаб ўлчанади ва 0° дан 90° гача ўзгаради), ва азимут А — горизонт ёйи бўйлаб, жанубий нүктасидан ёриткичнинг вертикалигача (0° дан 360° гача ўзгаради). Биз баён қилган шароитда азимут қуидагича ўлчанади: А₂ нинг қийматига 180° қўшилади, бордию бунда эришилган қиймат 360° ортиқ чиқса, у ҳолда ундан 360° айрилиб ташланади.

Юлдузнинг экваториал координаталари қуидагича топилади:
юлдузнинг тўғри чиқиши $\alpha = RA$, оғиши $\delta = Dec$

II. Ишнинг бориши.

Қуидаги топшириқларни бажаринг:

- Горизонт чизигида ётган ғарб (W) нүктасига тегишли нүктанинг, горизонт чизигида ётган жануб (S) нүктасига ҳамда зенит нүктасига (кичик яшил крестик кўринишида белгиланган), Қутб юлдузига (уни экваториал координаталар сеткаси кўк чизиқлар ёрдамида топиб) тегишли нүкталарнинг горизонтал координаталарини аниқланг.

Бунинг учун курсорни “Сичқонча” ёрдамида керакли жойга қўйиб, экраннинг чап томонидаги пастки бурчакдан координаталарини ҳисобланг (1.5.га қаранг).

Оlam қутбининг экваториал координаталарини топинг.

Харитада экваториал координаталар чизиклари қандай интервал билан ўтказилганини топинг.

4. Olam қутбининг горизонтдан баландлиги, кузатиш жойининг географик кенгламасига тенглигини билган ҳолда $h_p = \varphi$ Кутб юлдузининг бурчак баландлигига кўра жойининг кенгламасини тахминан аниқланг.

5. Қуйидаги амалларни бажариб, жойининг географик кенгламасини аниқланг.

1). Юлдузлар осмонини 1 соатлик оралиқ билан кўринадиган қилиб ёқинг. Қайси юлдузлар горизонт устига чиқаётганини кузатинг, улардан бирини ажратиб олинг. Айланишни (осмоннинг) учиринг.

2). У қандай юлдузлигини (етарлича равshan юлдузга курсорни тўғирлассангиз унинг координаталари остида номи ҳам ёзилган ҳолда экранда чиқади) ва қайси юлдуз туркумiga тегишли эканини аниқланг, унинг экваториал координаталарини топинг. Бу маълумотларни далолатномага киритинг.

3). Дастурни бу юлдуз сиртида кузатадиган режага ўтказинг. Бунинг учун “F” тугмачасини босинг. Намоён бўлган рўйхат охиридан alfa1, alfa2, alfa3 ларни (альфавитли рўйхатнинг бошида, ўртасида ёки охирида бу юлдузнинг номи бўлиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда) ва ўша рўйхатда танлаган юлдузингизни номини топинг. Агар бу рўйхатда танлаган юлдузингиз бўлмаса, у ҳолда бошқа рўйхатни танланг (Юлдузнинг номини топгач “Enter” тугмачасини босиб юборишдан ўзингизни тийинг!). “L” тугмачасини босинг. Танлаган юлдузингиз экраннинг қоқ ўртасида жойлашиб, пастки чап бурчагида ҳар доим унинг координаталари кўриниб туради. Бу вазифани бажаргандан сўнг,

юлдузни тақиб этиш режимидан чиқиши учун “*Esc*” тугмачани босинг.

4). Жойнинг кенгламасини топиш учун юлдузнинг юқори кульминациясидаги баландлигини аниқлаш зарур бўлади. Бунинг учун юлдузлар осмонининг айланиши 1 соатлик оралиқ билан ёқилади ва юлдузнинг горизонт устидаги баландлиги ўрганиб борилади (*Alt* координатаси). Юқори кульминацияга яқин баландликнинг қиймати узликсиз ортиб боради, сўнгра камайиб боради.

Юлдузнинг энг катта баландлигини (тажминан) топиб, дарҳол “Пробел” тугмачасини босиш йўли билан юлдузлар осмонининг айланиши тўхтатилади. Вақт бўйича орқага қайтиб, (бир соат ёки зарур бўлса бир неча соат) бир варакайига “*Shift*”+“*H*” тугмаларини босиш орқали, кичик интервал билан қайта кульминация моментидан юлдузни ўтказамиш.

“A” тугмачани босамиш. Вақт 5 минутлик интервал билан ўзгаради. Юлдузнинг горизонт устидаги ҳаракатини, баландликнинг максимал қийматини белгилаш учун кузатамиш. Агар сиз уни сезмай қолган бўлсангиз, у ҳолда “*Shift*”+“*A*” тугмаларини бирваракайига босиб, вақтнинг ўтиш йўналишини ўзгартиришингиз мумкин. Сўнгра “A” тугмачани босиб айланишини тўхташингиз мумкин.

5). Юлдузнинг юқори кульминациядаги баландлигининг топилган қийматларидан фойдаланиб, ушбу формула ёрдамида жойнинг кенгламасини топишингиз мумкин:

$$\varphi = 90^0 - h_B + \delta \text{ ёки } \varphi = 90^0 + h_B - \delta$$

6). Кузатиш жойи кенгламасининг топилган қийматини 4-машқдан аниқланган қиймати ва экраннинг чап томонининг юқори бурчагида жой номи остида келтирилган кенглама қиймат билан солиширинг. Ҳар иккала йўл билан аниқланган кенглама қийматининг аниқлиги ҳақида хулоса чиқаринг.

Кўшимча топишириклар:

1. Кузатувчи турган жойнинг кенгламасини ўзгартиринг. Бунинг учун “*L*” тугмачани босинг ва рўйхатда келитирлган Ернинг шимолий ярим шаридаги ихтиёрий танлаб “Enter” тугмачасини босинг. Қутб юлдузининг горизонтдан тахминий баландлиги асосида жойнинг географик кенгламасини топинг.

2. Ер ўқининг прецессияси натижасида Оламнинг шимолий қутби атрофидаги юлдузлар осмонининг ўзгаришини кузатинг. Бунинг учун “*N*” тугмачани босинг (бунда сиз осмоннинг шимолий ярим шарини кўрасиз, икки маротаба “*C*” тугмачасини босиб (Кичик Айиқ юлдуз туркумининг барча ўзгаришларида намоён бўлишини кўриш учун) сўнgra “Пробел” ва “*U*” тугмачаларини босасиз. Бунда сиз юлдузлар осмонининг йиллик интервал билан кузатасиз ва қайси юлдузлар қандай пайларда олам қутби яқини бўлишининг гувоҳи бўласиз.

Тахминан яна қанча вақтдан сўнг қутб яқинида Қутб юлдузи жойлашишини аниқлайсиз. Осмоннинг айланишини “Пробел” тугмачасини босиб тўхташингиз мумкин. Кузатилган ҳодисани тушунтиринг.

Хулоса

Уш бу битириув малакавий ишда ўламнинг геоцентрик назариясига асос солган олимларнинг ишлари киритилган . Қайдаги масалалар очиб берилган

Оlam тузилишининг геоцентрик назарияси асосчилари ҳақида гапирилган

Қадим юонон олимлари оlam тузилиши ҳақида фикрларини очиб берилган.

Шарқ олимларининг оlam тузилиши тўғрисидаги қарашларини очиб берилган.

Оlam тузилишининг гелиоцентрик таълимотни ва унинг таркиби учун курашлар ёритиб берилган

Коперник оlam тузилишининг гелиоцентрик таълимотларини ёритилган

Галилей оlam тузилишининг гелиоцентрик системасига муносабати

Кеплер оlam тузилиши ҳақидаги қарашлари гелиоцентрик тизимнинг қарор топилиши ҳақидага ёзилган

Оlamнинг гелиоцентрик системасини АЛ ва КХК ларда ўрганиш ва у юзасидан методик тавсиялар берилган

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Ислом. Ўзбекистон XXI аср бўсаг`асида, хафвизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т. «Ўзбекистон», 1997
2. И.Каримов. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. “Шарқ”, 1997.
3. И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”. 1998
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.”Озбекистон” 1998
5. Каримов И.А. “Юксак маънавият – йенгилмас куч”, Тошкент “Маънавият” 2008.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғ’рисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. “Шарқ”, 1997.
7. Б.Аҳмедов. Амир Темур. Тарихий роман. Т., 1995
8. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1997
9. Б.Аҳмедов. Улуг`бек (Ecce). Т., 1989
10. А.Муҳаммаджонов. Темур ва темурийлар салтанати. Тарихий очерк. Т., 1996
11. Б.Шалотонин. Город на берегу Зарафшана. «Кизилкум», 1999
12. Ф.Қосимов. Темурийлар даврида Бухоро. Бухоро, 1996
13. Мирзо Улуг`бек. Тўрт улус тарихи. Т., «Чўлпон» нашриёти, 1993
14. Т. С. Сайдқулов “Ўрта Осиё тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар”, Тошкент “Ўқитувчи” нашриёти 1993.
15. Ахмедов Б. Узбекистон тарихи манбалари. (Кадимги замон ва урта асрлар) Т. «Уқитувчи» 2001 й.
16. Низомиддин Шомий. «Зафарнома» Т. 1996 й.
17. Баркамол авлод орзузи. Т. Рисқийев таҳрири остида. Т. “Шарқ”, 1997,
- 18 .Усмонов, М.Содиков, С.Бурхонова.”Ўзбекистон тарихи” Т:2006 йил.